

37
F29

37

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

1
2
3
4
5
6
7
8
9
10
11
12
13
14
15
16
17
18
19
20
21
22
23
24
25
26
27
28
29
30
31
32
33
34
35
36
37
38
39
40
41
42
43
44
45
46
47
48
49
50

Ҳ.М. ҒАФУРОВ

**ДИДАКТИК ВОСИТАЛАР
МАЖМУАСИ**

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

2032381

TATU KUTUBXONASI
365610-SONLI

Тошкент 2006

Коллежларда, лицейларда таълим ва тарбия жараёнини амалга оширувчи педагоглар тайёрлашда «Дидактик воситалар мажмуаси» асосий фанлардан бири ҳисобланади. Бу соҳада ўзбек тилида адабиётлар етарли даражада эмас. Шунинг учун Сизга тақдим этилаётган «Дидактик воситалар мажмуаси» фани учун ёзилган маърузалар матни бакалаврларга аталган бўлиб, 36 соат маъруза ва 16 соат амалий машғулотлардан иборат режа бўйича ёзилган.

Бакалавр талабалар ҳам педагогика соҳадаги, ҳам телекоммуникация касби соҳасидаги билимларни эгаллашлари керак.

Мазкур қўлланмада дидактика асослари, зарур бўлган дидактик воситалар, уларни ишлатишнинг турли томонлари ва имкониятларини ёритишга ҳаракат қилдик.

Мухтарам ўқувчи, қўлланмадан фойдаланиш давомида учраган камчиликларни, фикр ва мулоҳазаларингизни миннатдорлик билан қабул қиламиз.

КИРИШ

Дидактика — юнунча сўз бўлиб, ибратли маъносини беради. Ҳозирги вақтда таълимни ва педагогикани ўқитишнинг назарий асосларини ўрганувчи қисми дидактика дейилади (дастур, ўқув режаларини, ўқитиш тизимини, усулларини ва ташкилий шаклларини асословчи қисм.)

Педагогика асослари ер юзида инсон пайдо бўлгандан бошлаб тузилган бўлиб, унинг кўп қирралари «Авесто» да қайд этилган. Урта Осиё халқларининг 8 — асргача бўлган педагогик меросларининг кўп қисми араб босқинчилари томонидан ёқилган ва йўқ қилиб ташланган. Араб босқинчилари ҳозирги Ўзбекистон ҳудудини босиб олгач, жуда кўп маданий ва моддий бойликларни ўғирлаб кетдилар, олиб кетолмаганларини вахшийларча бузиб, ёндириб, вайрон қилдилар. 8 — асрдан 13 — асргача яратилган моддий ва маданий бойликларни Чингизхон тўдалари вайрон қилди, 14 — асрдан 19 — асргача яратилган моддий ва маданий бойликларни рус босқинчилари йўқ қилдилар. Улардан асраб қолинган бойликларни коммунистлар 20 — асрнинг 20 — 30 — йилларида йўқ қилдилар.

Шундай қилиб, ўзбек халқининг тарихи халқнинг ижодкорлиги, босқинчиларнинг қирғин қилиши, вайрон қилиши, маданий ва моддий бойликларни йўқ қилиш тарихидан иборат бўлди. Ўзбекистоннинг ҳақиқий тарихи 1991 йил 1 сентябрдан бошланди. Унинг тарбия соҳасидаги мустақил дастури 1997 йилда эълон қилинган «Таълим тўғрисидаги қонун»да белгиланди.

Ўзбекистонда дидактика асосларини ўргатишда кўп жihatдан Европа олимлари яратган илмларни асос қилиб оламиз.

Биз дидактика ва дидактик воситалар мажмуасининг таркибини ва қўлланиш қонунларини ўрганамиз.

Ўқитишнинг ва тарбиянинг инсон, жамият ва давлат манфаатларига йўналган жараёни таълим дейилади. Таълим назариясини умумий даражада ўргатувчи педагогика фани дидактика дейилади. Дидактика таълимнинг педагогик назарияси бўлиб, унинг мазмунини, усулларини ва ташкилий шакллариини илмий асослаб беради. Шу билан бирга, дидактика таълим амалиётига янги усул, янги ўқув маълумотлари киритиш натижаларини олдиндан кўра олишни ишлаб чиқади.

Дидактика ўқитувчига ўз фаолияти ҳақида фикрлаш учун, ўз ишини такомиллаштириш учун маълумот беради. Ўқитувчининг барча муаммоларини ечиш учун тайёр ечим бера олмайди.

1-маъруза.

Дидактика объекти ва предмети

Фалсафий жихатдан ташқи моддий дунёнинг бир қисми объект дейилади. Дидактика нуқтаи назаридан объект изланувчининг билиш фаолияти йўналтирилган борлиқ бўлиמידир. Ташқи дунёни ўрганувчи инсон субъектдир.

Ўқитиш дидактиканинг, услубиётнинг, психологнинг, ахборот бўйича мутахассиснинг, кибернетик ва бошқаларнинг объекти бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз фанини ўргатади, ўз мақсадини белгилайди, ўз изланиши натижасини ифодалайди.

Дидактика ўқитишга ижтимоий тажрибани бериш воситаси деб қарайди. Ўқитиш натижасида таълим мазмунига кирувчи тажриба бўлаги таълим таркибини ташкил қилади ва ўқувчининг мулки бўлиб қолади.

Дидактика кундан – кунга назарийлашиб кетмоқда ва амалиётга кучли таъсир этиш имкониятига эга бўлиб, амалиётни такомиллаштиради ва ўзгартиради.

Дидактика предмети аниқлашнинг навбатдаги босқичи таълимнинг педагогик моҳиятини очишдан иборат.

Билим таълим жараёнининг таркибий қисмидир. Билиш ўқитишдан ташқарида амалга ошиши мумкин. Ўқитиш ва ўқишнинг узвий боғланиши фақат таълим жараёнида намоён бўлади. Уларнинг бир бутунлиги дидактик муносабатлар тизимининг моҳиятини аниқлайди ва ташкил топтиради. Бу дидактика предмети характерлайди.

Ҳодисаларни ўрганиш жараёнида ўқитувчи, ўқувчи ва ўқув материалнинг ўзаро боғланишини ҳисобга олиш керак.

Дидактиканинг иккинчи муҳим бўғини таълим ва тарбиянинг бирлигини ҳисобга олишдир. Дидактиканинг тарбиявий функцияси ўқувчига маълум билим бериш билан бирга унинг шахсини, ахлоқий сифатларини, ҳуққий хислатларини шакллантиришдан иборат. Ўқитишнинг тарбиявий хислати таълимнинг мазмунида намоён бўлади, буни дидактик тақризда ҳисобга олиш керак. Ўқитиш дидактикада икки хил кўринишда — ўрганиш объекти ва тузилиш объекти шаклида намоён бўлади. Буни ҳисобга олиш дидактик изланишни онгли равишда ўқитиш амалиётини такомиллаштиришга қаратилади. Аниқ назария ишлаб чиқилмаса, ўқув муассасасига берилган тавсиялар етарли даражада жиддий силжишлар бера олмайди. Шундай қилиб, дидактика ўз объекти бўлмиш ўқитишни авлодга ижтимоий тажриба беришга қаратилган ўзига хос фаолият тури деб қарайди.

Ўқитувчи ҳамда ўқувчининг ўқитиш ва ўқиш шаклидаги фаолиятлари орасидаги муносабат бирлиги дидактика назарий тақризининг асоси бўлади. Бу муносабат билан боғланувчи барча масалалар дидактика бўлади. Ўқув жараёнига қўшилувчи китоб дарслик бўлади.

Мазмун ва ўқитиш жараёнининг бирлиги дидактика нуқтаи назаридан муҳимдир. Билим уни ўқитиш ва ўзлаштириш усуллари билан бирга ўрганилади. Дидактика ўқитишни тарбия билан биргаликда олиб боради. Ўқитишни дидактика фақат ўрганиш объекти деб қарамайди, уни илмий изланиш объекти сифатида кўради. Дидактика

фаолияти соҳасига ўқув жараёнининг тарбиявий аҳамияти, ўқувчиларнинг фаол ижодий меҳнати, ақлий ривожланиши киради.

Дидактика ривожининг қисқача тарихи.

Дидактика атамасини немис педагоги В.Ратке (1571 – 1635) киритган. У ўзининг маърузалар матнини «Дидактикадан қисқа ҳисобот ёки Ратихийнинг ўқитиш санъати» деб атаган. Бу атамани Я.А.Коминский (1592 – 1670) 1657 йилда ёзилган «Буюк дидактика» номли китобида ривожлантирган. Дидактика ривожига И.Ф.Гербарт (1776 – 1841), И.Г.Песталоций (1746 – 1827), А.Дистерверг (1790-1816), К.Д.Ушинский (1824 – 1870), Д.Дьюи (1859 – 1952), Г. Керменштейнер (1854 – 1932), В.Лай (1862 – 1926) ва бошқалар катта ҳисса қўшганлар.

Дидактикани ривожлантиришга катта ҳисса қўшган олимлар П.Я.Галперин, П.И.Пидкасистий, В.А.Крутецкий, П.Ф.Каптерев, С.Т.Шацкий, В.В.Краевский, В.С.Ильин ва бошқалар.

Дидактиканинг вазифаси ва функцияси

Дидактика вазифасига қуйидагилар киради:

1. Ўқитиш жараёнини амалга ошириш шароитларини аниқлаш ва тушунтириш;
2. Таълим жараёнини ташкил қилиш, янги ўқитиш тизимларини, ўқитишнинг янги технологияларини ишлаб чиқиш;

Педагогиканинг илмий назарияси функциясини ўрганувчи мутахассис педагог олим бўлади. Олим ўқитишни тасвирлашдан уни тузишга ўтганда дидактиканинг тузилиш функциясини кўрсатади. Дидактиканинг бу икки функцияси ўзаро боғланган бўлиб, конструктив фаолият

асосида илмий, назарий изланишлар натижаси ётад.

Дидактика ўз муаммоларини ўрганишда фалсафа, психология, кибернетика, физика, биология ва бошқа фанларнинг кашфиётларидан фойдаланади. Масалан, кибернетикадан дидактика режали ўқитишни шакллантирди. Дидактика психологиянинг ўқувчи ёшига оид хусусиятларидан фойдаланади. Бундай хусусиятга ўзлаштириш, хотира, интеллектуал ривожланиш ва бошқалар киради.

Ёшга оид физиология фани дидактикага ўқувчиларнинг ақлий, эмоционал, жисмоний тараққиёт механизмларини тушуниш йўлларини кўрсатади.

Фалсафадан умумий масалаларда йўналтирувчи қонунларни, инсон, табиат, жамият ривожининг умумий қонунларини, ўқитиш жараёнининг шахсга йўналган таянч имкониятларини очишни олади.

2 — маъруза.

Асосий дидактик концепциялар

Педагогик система тушунчаси. Таълим мақсади, таълим мазмуни, ўқувчилар, ўқитувчи, ўқитишнинг автоматик воситалари, ўқитувчи билан ўқувчининг ҳамкорликдаги меҳнати, ўқитиш моделлари тўпламлари биргаликда педагогик система дейилади.

Дидактика педагогик системанинг бир бўлагидир. Дидактик концепция уч хил бўлади: анъанавий, педиоцентристик ва замонавий концепциялар. Уларнинг ҳар бири бир неча йўналишлардан иборат.

Анъанавий концепцияда бош ролни ўқитувчи, ўқитувчининг фаолияти ўйнайди.

Педиоцентристик концепцияда ўқувчи фаолияти асосий бўлади.

Замонавий дидактик концепцияда ўқитувчи ва ўқувчи тенг ҳуқуқли ҳамкорлар шаклида фаолият кўрсатади.

Анъанавий дидактик концепциянинг ижодкори немис педагоги И.Ф.Гербарт (1776—1841) таълимотига кўра, ўқитишнинг мақсади ўқувчида интеллектуал малака, билим, тушунча, амалий кўникмалар тўпамини шакллантиришдан иборат. Гербарт педагогикага тарбияловчи таълим тизимини киритди. Унинг таълим тизимига кўра, ўқув даргоҳидаги тартиб маънан кучли шахсни шакллантириши керак. Ўқитиш тарбиявий характерга эга бўлиб, берилган билим шахснинг сезгиси, эрки, талаблари билан боғланиши керак.

Гербарт ўз таълимини тўрт босқичли қилиб тузади.

Биринчи босқич аниқлик киритиш дейилади, у мавзунини бирор усулда изоҳлаш, таълим усулини аниқлаш, чуқурлатишдан иборат. Ўқувчи кўргазмалар, моделлар, янги мавзу билан таништирилади.

Иккинчи босқичда янги мавзу эркин суҳбат усулида аввал ўрганилган мавзу билан боғланади ва таққосланади.

Учинчи босқичда янги тушунчалар, қонунлар, улардан ҳосил бўлувчи хулосалар тушунтирилади.

Сўнги, тўртинчи босқичда янги назария пухталанади, турли масалаларга қўлланади, масалалар ечилади ва амалий хулосалар очилади.

Гербарт концепциясини қуйидаги тартибда қисқача умумлаштириш мумкин: баён қилиш, тушунтириш, умумлаштириш, амалий қўллаш. Гербарт дидактикаси учун таълимни бошқариш, ўқитувчи раҳбарлиги, вақт, қоида, кўрсатма каби сўзлар муҳимдир; унда назорат, буйруқ, таъқиқлаш, жазолаш, баҳолаш ўқитувчининг ўқувчиларни бошқариш воситаси сифатида ишлатилади.

Гербарт ўқитувчи ишини ташкил қилиш ва тартибга солишга интилади. У ўқитиш босқичларини психологик таҳлил қилади, ўқувчида билимни шакллантиришнинг психологик жараёнларини кўрсатади, шахс ҳақидаги фалсафий тасаввурларга асос солади. Гербартнинг бу ҳолатларида ўқув жараёнининг муҳим томонлари акс эттирилган. Гербарт тизимининг мутлақлаштирилиши ва универсаллаштирилиши дарсни ташкил этишда формал шаклга олиб келади.

Гербарт назариясининг камчилиги унинг китобийлиги (вербализм), интеллектуаллиги, ҳаётдан, ўқувчи манфаатларидан ва эҳтиёжларидан ажралганлигидир. У тайёр билимлар тўпамини

ўқувчи онгига авторитарлик билан сингдиришга, ўқувчи мустақиллигини сундиришга, унинг фаол ақлий меҳнат билан шуғулланишига йўл қўймасликни тарғиб қилади.

Педидоцентристтик концепция Гербарт назариясига жавобан яратилган бўлиб, ўқувчи манфаатларини ҳимоя қилади, таълим ва тарбия масалаларини ечишга, ўқувчини ўқитиш жараёнида фаол иштирок эттиришга йўналган. Бу таълим концепциясига кўра, ўқиш мустақил, табиий, ўз – ўзидан бўладиган ҳодисадир. Ўқитиш жараёни ёдлатиш, тайёр билимни такрорлатиш бўлмай, билимнинг ҳар бир бўлагини ўқувчи томонидан кашф қилиш даражасида олиб борилади. Бу модель муаллифи Дьюи кетма – кет узлаштирилувчи доимий режа ўрнига спонтан ўрганиладиган таълим тизимини таклиф қилади. Бу назария асосида бирор масалани ҳал қилишдаги қийинчиликларни енгиш, муаммони аниқлаштириш, турли назарияларни таклиф қилиш, уларни синаб кўриш, маъқул бўлган назарияни амалда қўллаш каби босқичлар ётади. Дьюи усули таълимнинг ташкилий шакли, усуллари, мазмуни таркибига турли ўзгаришлар киритишни тақозо қилади.

В. Лай ўқитишнинг уч босқичини ажратади: қабул қилиш, қайта ишлаш ва ифодалаш. Ифодалаш деганда, ўқувчиларнинг билим олиш асосидаги фаолияти тушунилади. Улар иншо ёзиш, расм чизиш, театрга бориш ва бошқа ҳар қандай амалий иш бўлиши мумкин. Бундай ёндашиш билим олишни фаоллаштиради, фикрлашни ривожлантиради, турли масалаларни ечиш малакасини шакллантиради, ўқувчини ҳар томонлама тараққий эттиради, ўқув жараёнини қизиқарли қилади.

Педиоцентристик усулнинг ўз камчиликлари мавжуд. Ўқувчи имкониятини юқори баҳолаш ва ўқув жараёнида ўқувчи манфаатига бўйсунтириш ўқитишнинг тизимлилигига путур етказиши, мавзу танлашни тасодифий қилиб қўяди, вақтни кўп сарф қилади, ўқитувчи иккинчи даражали бўлиб қолади, унинг вазифаси ўқувчиларнинг билим олиш фаолиятини ташкил қилишга айланади, ўқувчилар қизиқишини қондириш билан чекланади.

Ўқитиш усулининг бу икки қарама-қарши усулини шундай хулосалаш мумкин.

Гербарт усули ўқувчига систематик, умумий, фундаменталь билимни юқори академик даражада буйруқ усули билан ўқитиш бўлиб, шахснинг индивидуаллигини, психологик ўзига хослигини, ривожланишини инкор этади.

Дьюи усули ташаббусни ўқувчига топириб, унинг талабини қондириш, таълимнинг тизимлилигини йўқотиш, ўқитишни турли машқлар бажариш усули билан алмаштиришдир. Ўқитишнинг янги илғор усуллари излаш давом этмоқда. Ўқитишнинг мақсади фақат ўқувчи билимини шакллантириш бўлиб қолмай, унинг умумий ривожланишини, интеллектуал салоҳиятининг ўсишини, меҳнат, бадий малакаларини оширишни назарда тутишдан иборат бўлиши керак. Ўқитиш мазмуни фақат айрим фанларни ўзлаштириш бўлиб қолмай, уларнинг ўзаро боғлиқлигини ифодаловчи билимлар тўпамини эгаллашдан иборат бўлиши керак. Ўқитиш таълим мақсадига ва мазмунига мос бўлиб, ўқитувчи томонидан бошқарилувчи икки томонлама таъсирланувчи жараён бўлиши керак. Ўқитувчи ўқувчиларнинг билим олиш фаолиятини бошқариши, уни ташкил қилиши билан бирга ўқувчиларнинг мустақил ишини рағбатлантириши,

анъанавий усуддан воз кечиши, изланувчилик усулларидан фойдаланиши керак.

3-маъруза.

Замонавий дидактик концепция

Мактаб шахсининг, жамиятнинг ва давлатнинг таълимга бўлган талабларини қондиришга қаратилган ижтимоий — давлат муассасасидир. Мактаб — бу халқ бешигидир.

Халқ таълимига берилган буюртма асосида давлат ва жамиятнинг барча ишларида фаол иштирок этувчи, ижодий фикрловчи, ташаббускор, мустақил шахсни тарбиялаш ётади.

Бу вазифани бажариш учун мактаб ўқитиш ва тарбиялашнинг таъсирли механизмини ишлаб чиқиши лозим. Ўқитувчи ўқувчига билимлар тўпламини, маданият меъёрларини бериши керак, деган авторитар тизимдан воз кечиши керак. Худди шу каби, болалар ўз — ўзича таълим олиши керак, деган тизим ҳам ярамайди.

Янги усуллар, янги дидактик тизим ишлаб чиқиш зарур. Мавжуд мактаб услуби ягона, политехник, меҳнатга асосланган бўлиб, кўп жиҳатлари билан ижобийдир. Тарихга назар ташлаб, биз эришган юксак муваффақиятларимиз билан бир қаторда йўл қўйилган хатоларимизни, қийинчиликларимизни кўришимиз мумкин. Узоқ йиллар давомида демократик концепцияларни инкор қилиш натижасида шахсининг, жамиятнинг ва давлатнинг таълим эҳтиёжларини қондирувчи социал институт бўлган мактабда салбий ҳолатлар йиғилиб қолди. Яккаҳоқимлик, ягона фикрлилик шароитида мактаб бюрократик ташкилотга айланиб қолди, ўқитувчини ўқувчидан, ўқувчини мактабдан,

мактабни жамиятдан бегоналаштирувчи тизим ташкил қилинди. Мактабни тубдан янгилаш, ўзгартириш бу ҳолатдан чиқишининг ягона йўлидир.

Мактабни демократлаш ва инсонпарвар қилиш

Жамиятни демократлаш мактабни демократлашдан бошланади. Янгиланишнинг эски тартибга қайтмаслик кафили мактабни демократлаш, мактабни қайта қуриш бўлиб, мактаб ҳаётининг барча томонларини ўзгартиришдан иборат, педагогикадаги бюрократияни тугатиб, формализмдан инсон манфаати томонга кескин бурилиш яшаш керак.

Инсонпарварлик ўқув, тарбия жараёнини аниқ мақсад билан ўқувчиларнинг илмий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш томонига ўзгартиришдан иборатдир, ўқувчининг ўқув фаолияти мазмунини ва характерини инсонпарварлик томонига йўналтириш, ўқувчиларнинг мактабни бошқаришдаги барча жабҳаларда фаол иштирок этишига эришишдан иборат. Мактаб фаолияти, ўқитувчилар фаолиятининг мазмуни ўқувчига хизмат қилишга қаратилиши зарур.

Жорий вақтдаги мактабда асосий эътиборни фақат дастурга, ўқув фанларига, қоидаларни ўзлаштиришга қаратмасдан, ўқувчи билиши зарур бўлган математик ифодаларга, саналарга, ҳодисаларга, воқеаларга тортиш, ўқувчининг ақлий, рухий ва жисмоний тараққиётини ривожлантириш, ўқувчининг билимга эҳтиёжини қондиришга қаратиш керак. Бу ўзгаришлар ўқувчининг билимга қизиқишини, ижтимоий фаоллигини орттириши, имкониятларини ривожлантириш, касб

танлашга шароит яратиши, ўқувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиши керак. Таълимнинг шахсга йўналишининг мазмуни — шу.

Мактабдаги ўқитиш ва тарбиялаш асосида ўқитувчи билан ўқувчининг ҳамкорлиги, узаро боғланган, аниқ мақсадга йўналган фаолияти ётади. Мактаб ҳаётини ўзгартирувчи бош шахс инсоний даражада турувчи ўқитувчи бўлиши керак.

Ўқитувчи фаолиятидаги икки муҳим хислатни таъкидлаш зарур: у авторитаризм ва демократизм. Ҳар бир ўқитувчида шу икки хислатнинг бири устун бўлади. Шу устунлик хислати ўқитувчининг дидактик тизими моҳиятини белгилайди.

Авторитаризм, яккахокимлик шахсни мутлақлаштиришда намоён бўлади. Шу йўсинда рухсат этилмаган ҳар қандай ижодий ташаббус бўғилади ва яккахокимлик ҳукмрон бўлади, «ҳамма бирдек» фалсафаси, якка шахс кўрсатмаларига қатъий риоя қилиш тарғибот қилинади. Ўқув муассасасининг раҳбари шундай сиёсат юритади. Ўқитувчи диктатор ҳолатида бўлади: у тушунтиради, дарсни пухталайди, уйга вазифа беради, мактаб раҳбарияти, мураббий ота — онадан ўқувчини тартибга солишни, жазолашни талаб қилади, назорат қилади, унинг билимини, хулқини баҳолайди. Ўқувчи барча талабларни сўзсиз бажариши керак.

Замон талабига биноан ҳозирги кунда жамият мустақил, танқидий, ижодий фикрловчи, турли қотиб қолган қоидалардан, мосланувчанликдан халос бўлган кадрларга муҳтож. Шунинг учун педагог олимлар, психологлар узаро бирлашиб, ўқитувчилар билан ҳамкорликда ижодий, мустақил фикрловчи шахсларни шакллантирувчи педагогик усулларни ишлаб чиқишлари керак.

Мажбурий ўқитишдан қутулишнинг ягона йўли ўқув материални аниқ белгилаш, таянч масалаларни ажратиш, фанни блокларга жамлаш, юқори даражада интеллектуал фон яратиш билан муваффақиятли ўқув фаолиятини шакллантиришдир.

4-маъруза.

Ананавий ва замонавий концепцияларни таққослаш

Ўқувчи мактабда ўтказган 10000 соатга яқин вақт давомида ўқитувчининг уй вазифани текшириши, ўқитувчи саволларига жавоб бериши, шундан сўнг биров янги дарс ўтиши, ўтилган дарсни пухталлаштириши ва уйга вазифа беришига кўникиб қолади. Дарс бошида ўқитувчи бир неча ўқувчини синфдаги ўқувчилар олдида турли саволлар билан қийнайди. Бу дақиқалар баъзи ўқувчи учун азоб дақиқалари бўлса, бошқалари учун ўз билимини намойиш қилиш, ўзини кўрсатиш, яна бошқалари учун билолмаганлар устидан кулиш онлари бўлади. Бундай ўқитиш усули бир неча асрдан бери давом этиб келмоқда.

Қуйида ананавий дидактик концепция билан янги таклиф қилинаётган замонавий дидактик концепцияни таққослаймиз:

Т.р		Анъанавий дидактика	Янги дидактика
1	Мақсад	Билиш, ўзлаштириш, малака, кўникма ҳосил қилиш, ўқув материални тушуниш.	Интеллектуал, руҳий ва жисмоний қобилиятни, манфаат ва илмий асослашни ривожлантириш.

2	Дарс мазмуни	Дастурдаги билимлар туپлами, дарсликдаги материал.	Атрофдаги, шахсинг ўзидаги ижтимоий, шахсий, муҳим ўзгаришларни билиш усулларини ўзлаштириш.
3	Таълимни ҳаракатлан — тирувчи кучлар	Буйруқ, қўрқитиш, таъқиқлаш, жазолаш, баҳолаш, мусобақа.	Ижод қувончи, ўз муваффақиятини сезиш, камолотга эришиш, билимини орттиришдаги ўзига ишонч.
4	Иш услуби	Тушунтириш, такрорлаш, машқ, ёдлаш, ухшашликка интилиш.	Бирга фаолият қилиш, излаш, суҳбат, мунозара, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида инсоний муносабатларни шакллантириш.
5	Дарс ташкили	Фронтал иш устунлигида фанни босқичларга ажратиш, сўров, ўқувчиларни янги материални қабул қилишга тайёрлаш, билимни умумлаштириш, тушуниш даражасини аниқлаш, материални мустаҳкамлаш.	Қўйилган саволга жавоб қидириш, ноанъанавий масала ечиш, гуруҳли ва индивидуал иш устунлиги, бирор босқичда топилган туғри ечимни жамоага яқин — лаштириш учун барчани қисқа муддатга фронтал ишга жалб қилиш.
6	Ўқитувчи роли	Мутлақ ҳукмрон, ҳаммасини билувчи, нуқсонсиз бошлиқ,	Маҳорат эгаллашда, ҳақиқат излашда

		ўқувчи фаолиятини бошқарувчи.	ёрдамчи, ўртоқ, маслаҳатчи ва хамроҳ.
7	Ўқитувчи вазифаси	Билимни ўқитувчи тез ва мустаҳкам ўзлаштирадиган,	Ўқувчиларнинг билишини ва амалий
		хотирасида узоқ вақт сақланадиган шаклда изоҳлайди, ўқувчилар ахборотни миясига жойлаштириб, ўқитувчининг биринчи талаби билан намоёниш қилади, баҳо олади.	масалаларни ҳал қилишини ташкил қилади, ўқувчилар жамоа ишида фаол қатнашади, ўз билимларини такомиллашти – ради.
8	Ўқиш натижаси	Ўқувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларининг дастурлашган таълим стандартларига мос келиши. Бу мослик сўровда, имтиҳонларда намоён бўлади.	Ўқувчида ўзлаштирган билим ва ма – лакаларини янги маса – лаларга мус – тақил қўллаш қобилиятлари нинг шакла – ниши, ўз – ўзини тушуниш, тако – милашиши, ижод қилиши, касбий маҳорат эгаллаши.

Ўқитиш моделларини таққослаш уларнинг асосий характерларини дидактик тизим параметрлари бўйича ажратишга имкон беради.

Т. р.	Параметрлар	Анъанавий	Инновацион
1	Бошқа — риш	Ўқувчилар бошқариш объекти, ўқитувчи режасининг ижросиси. Ўқитувчи ўқитади, таълим жараёни шу икки гуруҳнинг ўзаро боғлиқлигида ўтади.	Барча иштирокчилар бир бутун, ўзаро боғланган, бошлангич вақтда ўзгариши мумкин бўлган ўқув — тарбиявий ҳолат, ўқувчилар ўқитиш субъекти булиб, ўқитувчи билан ҳамкорликда ишлайди.
2	Мақсад	Билимларни ўзлаштириш.	Шахснинг тараққиети.
3	Ўқитувчи — лар ўрни ва бошқариш усули	Предметга йўналган, авторитар усул, буйруқ, ўқувчи ташаббуси бўғилади.	Шахсга қаратилган, ташкилий рағбатлантирув — чи фаолият, демократик усул, ўқувчи ташаббуси кўтарилади.
4	Ўқитувчи кўрсатма — си	Шахссизлик, ўқитувчи шахсининг ёпиқлиги, ҳар бир ўқувчининг ҳисоботи, талабларнинг мутлоқлиги, ўқувчи шахсининг ҳисобга олинмаслиги.	Ўқитувчи шахсининг очиқлиги. Ҳамкорлик, биргаликда фаолият, индивидуал ёрдам, ҳар бир ўқувчининг мақсадни аниқлашдаги

			иштироки, вазифа қўйиш, унинг ечимини топиш.
5	Фаолиятни ташкил қилиш	Қайта ишлаш вазифалари устун бўлади. Ижрочилик, техник вазифалар мазмун ва мақсадлаштиришдан устун туради.	Биринчи ўринда мазмун ва танлов, фаолиятни асословчи ижодий маҳсулдорлик вазифалари туради.
6	Ўқув муносабат — ларининг шакли	Тақлид, ўхшашлик, намуна олиш, етакчининг ҳолати эргашувчига бутун ўқиш давомида боғланган, рақобат ҳамкорликдан устун туради.	Мақсад ва вазифа ўқитувчи ва ўқувчининг ҳамкорлигида аниқланади. Унга эришиш биргаликда ташкил қилинади. Гуруҳлараро, шахслараро муносабатлар тараққиётининг турлилиги ва ривожланиши, ҳамкорликда низоларнинг камайиши, ўқувчиларнинг бир — бирига нисбатан, ўқитувчига нисбатан иеҳрнинг кучайиши. Ҳамкорлик ра — қобатни, ҳамжиҳатлик антагонизмни сиқиб чиқаради.
7	Назорат ва	Қатъий қоидалар	Гуруҳда

	баҳолаш	билан ташқи назорат. Уқитувчи баҳоси юқори туради.	қадрланувчи умумий тартиб, қоидалар чегарасида ўз — ўзини ва бир — бирини назорат қилиш устун туради. Ички назорат барчага нисбатан шаклланади.
8	Уқитувчи вазияти	Таълим бойликларидан ва вазибаларидан бегоналаштириш, билим асосларини торайтириш, ўқув бойлиги ва маз — мунидан ҳаётий бойликларни ажратиш. Уқув фаолиятдан ички психологик узоқлашиш.	Ўртоқлик воситасида таълим мазмунини кучайтириш, таъ — лим мақсадини бойитиш, шахснинг мақсадини кенгайтириш, ижодий фаолият руҳини шакллантириш, шахс қадрини улуглаш, ўз — ўзини фаоллаштириш.

Икки концепция орасидаги фарқнинг хусусиятлари шулардан иборат. Уқитиш мазмунан муаммоли, ахборотга бой бўлганда ўқувчиларнинг муомаласи ва ўқиши фаоллашади.

Ўқи тиш усулларининг турлилигини таъминлаш керак. Улар мунозара, семинар, клуб машғулоти, ўқувчиларнинг фаройиб кашфиётларни муҳокама қилиши, кашфиётлар тарихини аниқлаши, буюк алломалар ҳаётини, уларнинг тақдирини, камтарлигини, илмга бахшидалигини аниқлаши муҳим аҳамиятга эга.

Фақат чидамли, ижодий фикрловчи педагоглар ўқувчиларда тўғри, ижобий малака шакллантиришлари мумкин.

Ўқувчилар билан муомалани ўрганиш керак. Устоз дарсда фақат ўз фанини ўқитиш билан кифояланиши етарли эмас, у ўқувчиларда ахборот йиғиш малакасини шакллантириши керак.

Жамоа бўлиб ўйлаш усули — ақлий ҳужум — мавжуд. У қуйидагидан иборат.

Ав вал ғоя ташланади, кейин бу ғоя муҳокама қилинади. Ҳар бир фикр ва таклиф танқидий муҳокама қилинади. Кулгили ҳолда қолиш, ноўрин фикр айтиш инсоннинг ижодий фикрини боғлаб қўяди. Шунинг учун ҳар қандай ғоя жиддий муҳокама қилинади. Агар ғоя тугаб қолса, ўқитувчи бирор ғояни таклиф қилиши мумкин.

Би лим жараёнини, Бернард Шоу фикрича, шундай дейиш мумкин: «Агар менда 100 сўм, сизда 100 сўм бўлса ва биз уларни алмашсак, ҳар биримизда 100 сўмдан бўлади. Агар биз ғояларимизни алмашсак, унда ҳар биримизда иккитадан ғоя бўлади».

Ўзар о муносабатларимизни демократлаш — тиришимиз керак, ўзганинг фикрини ҳурмат қилишимиз, ўқувчиларнинг билим олиш жараёнини бошқаришимиз керак. Бу ишчи кайфият ҳосил қилади ва ўқувчиларда ўқишга иштиёқ яратади.

Ўқи тувчи қийин, узоқ давом этувчи меҳнатни — ўқувчиларнинг фикрлашини — «эшитдим, ёдладим, гапирдим»дан, «билдим — ўзлаштирдим»га ўзгартиришини ташкил қилиши керак.

Жавоблар ичида хато жавоб кўп бўлади. Масала доим катта меҳнат билан муҳокама қилинади, фақат шу меҳнат натижасида ўқувчилар ўқитувчига ҳамроҳ бўлиб етиладилар.

Амадда шахсга бурилиш ўқитувчи услубининг ўзгаришини билдиради, мустақиллик рағбатлантирилади, танлов эркинлиги шакллантирилади, ўзига ва, демак, ўзга фикрига ҳурмат ҳислари ривожланади.

Педагогикада шахсга йўналиш, аввало, ўқитишнинг мақсади ва тарбиянинг ривожига йўналган усуллари ишлаб чиқишдан иборат бўлиши керак.

5-маъруза. Шахсга йўналган дарс

Ўқув машғулотларини ташкил этишнинг асосий шаклларида бири дарс ҳисобланади. Шахсга йўналтирилган дарс ўқитувчи ва ўқувчининг мақсадга йўналтирилган муносабатлари жараёнини ташкил этишнинг динамик ва вариатив шакли бўлиши билан бирга ташқи муҳит билан, ахборот тармоқлари билан боғланган ривожлантирувчи тизимдир. Ташқи таъсир ва ички зиддиятлар туфайли дарс ривожланади. Шахсга йўналган дарс таълим мақсади, ўқув материалининг мазмуни, билиш фаолиятини ташкил этиш усуллари, ўқитиш шакллари, улардан келиб чиқувчи натижалардан иборат компоненталардан ташкил топади.

Мақсад инсоннинг бирор фаолияти жараёнида эришиши лозим бўлган натижадан келиб чиқади. Мақсад икки хил ташкил этувчидан: ўқитувчи мақсади ва ўқувчи мақсадидан ташкил топади. Ўқитувчи фаолиятининг мақсади ўқувчи шахсини ривожлантиришга қаратилган бўлиб қуйидагилардан ташкил топади:

1. Ўқувчиларнинг илмга лаёқати, қизиқиши, мойиллик каби хусусиятларини ривожлантириш.

2. Ўқувчиларда интеллектуал имкониятни кенгайтириш, тадқиқотчиликни, ахборот йиғиш ва ундан фойдаланишни, мулоқот ўрната билиш хусусиятини ривожлантириш, рефлексив маданиятни шакллантириш.

3. Ўқувчиларни ўрганилаётган фанга нисбатан шахсий қизиқишларини шакллантириш,

4. Ўқувчиларда атроф муҳитга, жамиятга нисбатан ҳурмат ҳиссини шакллантириш.

Шахсга йўналган дарс технологиясида қуйидагиларга эътибор бериш муҳимдир:

1. Ўқувчиларнинг янги мавзу лойиҳасини тасаввур қилишига ёрдамлашиш.

2. Ўқувчиларни далиллар, тушунчалар, қоидалар, қонунларни ўрганишга жалб қилиш,

3. Ўрганилган қонун, қоида, тушунча ва кўникмаларни мустаҳкамлаш.

4. Ўқувчиларнинг олган назарий билим, малака ва кўникмаларини ноанъанавий масалаларга тадбиқ қилиш бўйича амалий фаолиятлар ўтказиш.

5. Ўқувчиларнинг мавзулар бўйича олган билимларини умумлаштириш ва тизимлаш бўйича амалий фаолиятини ташкил қилиш.

6. Мавзу бўйича ўқувчиларнинг билимини, малакасини ошириш, мустаҳкамлаш ва назорат қилиш.

7. Ўқувчиларнинг билими, малакаси коррекцияси бўйича амалий ишлар бажариш ўқиш сифатини оширади.

Ўқув материални ўзлаштириш жараёнида шахснинг танлаш эркинлиги, фаолиятга онгли рефлексив муносабат, мақсад аниқлиги, инсоний муносабатлар ва атрофдаги буюмларга баҳо бериш, уларни иқтисодий ва экологик баҳолаш, қабул қилинган қарорларнинг қўйилган мақсадга мувофиқлиги ўқитиш сифатини яхшилайдди.

Шахсга йўналган дарс доирасида ўхитиш мазмуни ўзлаштиришнинг тури ва даражаларига мосланади. Бунда ўрганилаётган предметлар, ходисалар турлича талқин қилинади.

Шахсга йўналтирилган дарс анъанавий ва ноанъанавий бўлиши мумкин, ҳар бир ўқувчи индивидуал фаолиятга жалб қилинади. Ўқувчилар

индивидуал, гуруҳ бўлиб ўзлаштириш устида ишлари мумкин.

Ўқитиш усуллари ўқитувчининг иш услубини билдиради, ўқитувчининг мақсадга йўналтирилган фаолияти тизимини ташкил қилади, ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги мулоқотни намоён қилади.

Дарснинг натижаси ўқувчилар ўзлаштирган билимларда, эгаллаган малакаларида, кўникмаларида намоён бўлади.

Шахсга йўналган дарснинг технологияси ўқув жараёнининг лойиҳаси, тадбирлар тартиби, мақсадга йўналган ўқув мазмуни, ўқувчиларга ривожлантирувчи таъсир ўтказишнинг ташкилий тизимларидан иборат.

Шахсга йўналган дарснинг муваффақияти қуйидаги шароитлар бўлишини тақозо қилади.

1. Ўқувчининг билим олишга, ривожланишга иштиёқи бўлган субъектга айланишини таъминлаш.

2. Ўқитувчи дарсда ўқувчининг билим олиш фаолиятини бошқарувчи субъектга айланишини таъминлаши.

3. Ўқув суръати ва даражасини ўқувчи имко – ниятига мослаши.

4. Таълим жараёнида ўқувчининг фаол иштирок этишини таъминлаш.

Ўқитиш тушунчаси ва моҳияти

Ўқитиш жараёни — бу ўқитувчи билан ўқувчининг аниқ мақсадга йўналган, ўзаро боғланган, узлуксиз, кетма — кет ўзгарувчи фаолияти бўлиб, ўқувчида билимлар тизимини, илмий дунёқарашни шакллантириши, меҳнатга лаёқатли, маънавий тарбияланган шахс сифатида

ҳар томонлама ижодий фаолият юритувчи инсонни тарбиялашдир.

Агар ўқувчи бирор ҳунарни ўрганиб, дурадгорлик, слесарлик, этиқдўзлик касбини эгалласа, ҳунармандлик иши таълимнинг мақсади ва мазмуни бўлиб қолади.

Педагогнинг ўқитиши билан ўқувчининг ижтимоий тажрибани эгаллашидан иборат ўқиши давомидаги фаолияти биргаликда намоён бўлади. Уларнинг биргаликдаги фаолияти таълимнинг турли босқичларида ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги бевосита муносабат шаклида амалга ошади.

Таълимни ўқитувчи ва ўқувчининг аниқ мақсадга йўналган ўзаро фаол таъсири деб характерлаш мумкин. Унинг натижасида ўқувчида билим, малака, фаолият тажрибаси, шахсий сифатлар, хулқ шаклланади.

Таълим жараёни билим олишнинг ўзига хос кўриниши бўлиб, ўқувчи томонидан дунёнинг умумий ва хос хусусиятларини ўзлаштиришдир. Ўқувчи фаолиятини олим фаолияти билан таққослаш мумкин.

Олим бирор ҳодисани ёки унинг янги томонларини кашф қилади. Ўқувчи ҳам ўз фаолияти давомида бирор янгиликни очади ва ўзлаштиради. Олимнинг фаолияти тажриба ёки фикрлаш билан боғлиқ, ўқувчи ўзи учун ўқитувчи ёрдамида янгилик очади. Ўқувчи иши бевосита ўқитувчи билан ёки китоб орқали боғланади, олимда бундай восита йўқ.

Билиш асосида сезиш ва қабул қилиш ётади. Абстракт фикрлаш асосида тушуниш, мазмунни англаш ва умумлаштириш ётади. Индуктив аналитик усулда таълим умумлаштириш билан

яқунланади. Дедуктив синтетик мантиқ усулида тушунча, қонун мавзу бошида киритилади.

Тадбиқ қилиш – ўқувчи ўзлаштирган билимдан ўқувдан ташқари фаолиятда фойдаланишдир.

Таълим жараёнини юритувчи кучлар. Таълим жараёнининг услубий асоси билиш назариясидир, уни ҳаракатлантирувчи куч зиддиятлардир. Бу зиддиятларни енгиш билим олишнинг асосида ётади.

Ўқувчида етишмаётган янги ўқув масалаларини ҳал қилишда керак бўладиган билим ва тажрибалар билан ўқитувчида бор бўлган имкониятлар орасидаги тафовут энг муҳим зиддиятдир.

Таълим – бу бошқарилувчи билим олиш муносабатлари бўлиб, унда ижтимоий тажриба ўзлаштирилади, қайта тикланади, шахсни шакллантириш асосида ётувчи аниқ фаолият эгалланади.

Ўқитувчи ўқувчининг фаоллигини рағбатлантиради ва уни бошқаради. Шунинг учун ўқитишни ўқувчининг ички ва ташқи фаоллигини рағбатлантирувчи ва бошқарувчи жараён деб қараш мумкин.

Ўқувчида билим, малака, кўникмани шакллантириш жараёнини, ўқувчининг шахс сифатида камол топишини фақат унинг ўз фаолияти натижасида амалга ошириш мумкин.

Таълим ва таълим жараёни бир хил тушунча эмас. Таълим педагогика фани категорияси, таълим жараёни – дидактик жараён.

Дидактик жараён – таълим тизими ҳолатининг бир бутун педагогик ҳодиса сифатида алмашинувидир. Дидактик жараён циклик характерга эга бўлиб, циклар тараққиётининг бош мезони педагогик меҳнатнинг энг муҳим дидактик

мақсадидир. Бу мақсад асосан икки қисмдан иборат: таълим ва тарбия. Бу ташкил этувчиларнинг ўзаро муносабатида биринчиси иккинчисига бўйсунди. Шунинг учун таълимнинг бош мақсади пок, виждонли, мустақил ишлашга қодир, ўзининг имкониятларини намоён қила олувчи инсонни тарбиялашдир. Бошқача айтганда, таълим воситалари ва таълим натижаси таълим циклларида тараққиёт курсаткичидир

Таълим жараёнининг бир бутун тизими характеристикаси

Бутунлик ҳар қандай объектнинг ички бирлиги, нисбий мустақиллиги, атроф муҳитга боғлиқ эмаслигидир. Педагогик объектнинг бутунлиги аниқ мақсад йўлида тузилади.

Реал педагогик ҳаётда муҳим бўлган таълим диалектикасининг педагогик объекти икки кўринишда намоён бўлади.


Биринчиси, бир бутун таълим жараёнининг қонуний асосидир. Мактаб, жамият, таълим жараёни мавжуд экан, бу қонун ўқув жараёнининг инвариант характеристикаларида намоён бўлади. Ўқитиш ва ўқишнинг, мазмун ва ташкилий жиҳатларнинг бирлиги шулар жумласидандир.

Иккинчиси, реал педагогик амалиётда таълим жараёнининг бутунлиги махсус ва аниқ мақсад билан шакллантирилади, тузилади. Таълим жараёнининг таълимий ва тарбиявий функциялари таълимнинг вариатив, тузилиш характеристикаси бўлади. Таълимнинг бутунлик тизими уч хил фаолиятларнинг бирлигида намоён бўлади. Улар дарс вазифалари комплекси, таълим мазмуни, ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг ҳамкорлигидан иборатдир.

6-маъруза.

Таълим жараёнининг тизимлилиги ва комплекслиги

Таълим тизими — ўзаро боғланган мустаҳкам бирлик ва бутунлик ҳосил қилувчи интегратив хоссага ва қонуниятларга эга бўлган элементлар тўшамидир. Таълим мақсад, ўқув ахбороти, педагогик коммуникация воситалари, педагог, ўқувчи, уларнинг биргаликдаги фаолият шакллари, ўқувчилар фаолияти ва тарбиясига педагогик раҳбарлик қилиш усуллари каби ўзаро боғланган элементлардан ташкил топади. Уларни систематик равишда қуйидагича тасвирлаш мумкин:



Мақсад, ўқитувчи фаолияти, ўқувчилар фаолияти ва натижа таълим жараёнини тизимловчи қисмлар сифатида намоён бўлади. Ўқув материали маъноси, таълим усуллари, кўргазмалар, таълимнинг техник воситалари, дарсликлар, таълимнинг ташкилий шакллари таълимни бошқаришнинг ўзгарувчи таркибий қисми бўлади. Ўқитувчи билан ўқувчининг биргаликдаги фаолияти бу қисмларни ўзаро боғловчи компонент бўлиб хизмат қилади.

Ўқитиш билан таълим олишнинг биргаликдаги фаолиятининг бирлиги, ҳар бир фаолиятнинг ўзича турлилиги, таълим компонентларининг бир бутунлик тизимини боғловчилиги таълимнинг бутунлик тизимини, тартиблилигини ташкил қилади. Буларсиз таълим жараёни фаолият кўрсатишга қодир эмас.

Дидактикада таълим жараёни қуйидаги ҳолатлар аниқ намоён бўладиган фаолият сифатида кўрилади:

1) бошланғич ҳолатни анализ қилиш, мақсадни кўриш.

2) ишни режалаштириш, мазмунни, мақсадга эришиш усулини танлаш, ўқув материали бўлимларининг тақдим қилиш усуларини ишлаб чиқиш ва уни онгли равишда тушуниш.

3) ўқитувчи ва ўқувчи ишини ташкил қилиш ва уларнинг фаолиятини амалга ошириш.

4) акс боғланишни ташкил қилиш, ўқувчиларнинг ўқув материални ўзлаштиришини назорат қилиш, хатоларини тузатиш..

5) таълим натижасини таҳлил қилиш.

6) ўқувчиларнинг синфдан ташқари ишини тайёрлаш.

Турмушда таълим жараёни циклик ҳарактерга эга.

Таълим жараёнининг цикликлиги

Айрим ўқув жараёнларининг тўплами, таълимнинг кетма — кет микронатижаларининг йиғиндисиди цикл дейилади.

Ўқувчи онгида ўқув — билиш имкониятлари содир қиладиган миқдорий ўзгаришлар микронатижа дейилади. Янги ҳаракатнинг

бошланиши аввалги ҳаракат натижаси, унинг сўнги қисми ундан кейинги ҳаракатнинг ибтидоси бўлади ва ҳ.к.

Цикллар орасида интервал мавжуд. Бир интервалдан иккинчи интервалга ўтиш таълимдаги ўзига хос сакрашдир. Ҳар бир циклдан сўнг ўқувчи онгида бўладиган сифат ўзгариши таълимнинг кичик натижасидир. Мақсад, восита ва натижа таълим жараёнидаги циклнинг асосий кўрсаткичидир.

Таълим циклининг кўрсаткичи мақсаддир. Мақсадга эришиш инсондан онгли, аниқ йўналган фаолиятни талаб қилади. Ривожланувчи жамият талаби мақсадни белгилайди. Шунинг учун мақсадни аниқлаш таълим жараёнининг муҳим кўрсаткичидир. Ўқувчиларнинг ривожланишини бошқаришни тушуниш ўқитувчининг муҳим вазифасидир.

Таълим мақсадининг 2 хил кўриниши мавжуд. Биринчи даражали мақсад кенг миқёсдаги мақсадни аниқлаштиришдир. Бу ҳолда мақсад ижтимоий, тарихий, иқтисодий шароит, ўқувчилар имконияти, ҳал қилиниши зарур бўлган вазифалар характери билан аниқланади.

Таълим мақсадининг тақризи иккинчи даражани ташкил қилади. Микроанализ тарзида таълим мақсади ўқув—таълим фаолиятнинг аниқ шакллари кўрсатишгача такомиллаштирилиши керак.

Ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама мукамал ривожланишини таъминлаш, шахсни ривожлантирувчи, ўзаро бир — бирини тушунувчи, инсонлар, халқлар билан ҳамкорлик қилувчи, ҳуқуқий демократик давлат фуқаросини шакллантириш бош мақсад бўлиши керак. Бош

мақсад асосида жамият ва давлатнинг таълим, тарбияга бўлган буюртмаси ётади.

Таълимнинг илмий мақсади умумий, махсус ва хусусий қисмлардан ташкил топади. Ўқиш даврида ўрганиладиган фанлар умумий фанлардир (ўқиш, ёзиш, тил ўрганиш). Аниқ фанлар, уларнинг бўлимлари, қисмлари, мавзулари, таълим даврида ўзлаштириладиган вазифалар билан боғлиқ фанлар хусусий фанларни ташкил қилади.

Таълим жараёнида ҳар бир фан учун тўрт хил махсус дидактик мақсадларни ажратиш мумкин:

1. Ўқув материали билан танишиш ва уни мустаҳкамлаш.

2. Мавзунинг муҳимлигини кўрсатиш, ўрганилган фанни пухталаш, малака, кўникмаларни ўқув амалиётида шакллантириш.

3. Амалиётда қўллаш усули билан билим ва малакаларни шакллантириш.

4. Олинган билим ва малакаларни назорат қилиш ва баҳолаш.

Ўқувчиларнинг билим фаолиятини ташкил қилишда қуйидагиларни ҳисобга олиш керак:

1. Билишни ўқувчи шахсига йўналтиришни.

2. Ўқув фани мазмунини шакллантириш имкониятларини.

3. Ўқув материалининг муҳим ва факультатив томонларини ажратишни.

4. Мустақил, изланувчи, ишлаш малакаларини шакллантиришни.

7-маъруза. Таълим воситалари

Таълим воситалари таълим жараёни цикллари аналга оширишда муҳим кўрсаткичдир. Ўқитувчи ўқув материални изохлаш вақтида ўзи билан ўқувчилар ўртасида жойлаштирадиган моддий ва моддийлашган буюмлар тўплами таълим воситалари дейилади. Масалан, ўқув масалалари, ўқув материаллари, жадваллар, расмлар, макетлар ва бошқалар.

Таълим жараёнининг асосий кўрсаткичларидан бири натижадир. Натижа ўқув материални ўзлаштириш, ўқувчиларнинг малакаси ва тарбияси билан боғлиқ.

Мақсад, таълим воситалар ва таълим натижасига кўра таълим жараёни 4 циклга ажратилади.

Биринчи цикл. Бу циклда таълимнинг қуйидаги мақсадлари аналга оширилади:

а) мавзунинг умумий ғоясини қабул қилиш ва асосий хоссаларини таҳлил қилиш билан ўрганилаётган материалнинг мазмунини ва амалий аҳамиятини тушуниш, англаш.

б) ўрганилаётган билимларни тиклаш ва амалда қўллаш усулларини ўзлаштириш.

Ўқитиш билан ўзлаштиришнинг дидактик боғланиши ўқув материалнинг асосий белгиларини ва хоссаларини таҳлил қилиш, бўлакларга ажратишдан иборат.

Бу ерда аввал олинган билим билан ўзлаштирилаётган билим ўртасидаги, илмий билим билан ҳаётий билим ўртасидаги, ўқув материали билан ўқувчининг имкониятлари ўртасидаги

зиддиятлар таълимнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб хизмат қилади.

Таълим жараёнининг бошланғич цикли 3 босқичдан иборат.

1. Ўқувчиларнинг янги ўқув материални қабул қилишга ва ўзлаштиришга тайёрлиги.

2. Ўқитувчининг изохлаши ёрдамида ўқув материали мазмунининг янги бўлагини ўқиши ва қабул қилиши, ахборотли ёки муаммоли масалани ечиши.

3. Материалнинг қабул қилинишини назорат қилиш ва ўргатилган материални мустаҳкамлаш.

Ўқув масалалари таълим воситаси сифатида бошланғич циклда қуйидагиларни таъминлаши керак.

а) аввал ўзлаштирилган билимлар билан таққослаган ҳолда янги ғояларни ўзлаштириш;

б) ўқувчиларда ўқув предметининг қонун ва категориялари ҳақида бир бутун тасаввур яратиш;

в) таълим ва тарбиянинг бир бутунлигини таъминлаш.

г) ўқув материални ўрганишни ва мустаҳкамлашни ташкил қилиши.

Таълим натижасининг асосий параметрлари қуйидагилар:

1. Ўрганган материални мустақил тиклаш.

2. Янги билимларни амалда қўллай олиш.

3. Ўқув материалининг асосий белгиларини дифференциаллаш.

4. Намунавий масалаларни ечишга тайёр бўлиш.

Иккинчи цикл ўқув материалининг умумий тузилишини такрорлаш ва уни қўллаш усулларини ишлаб чиқишдан иборат. Ўрганилган билимларни кенг миқёсда тиклаш, аниқлаштириш, аниқ англаш,

ўқув амалиётларида қўллашнинг барча усуллари эгаллаш асосий мақсад бўлади. Ўқитиш билан ўқишнинг дидактик муносабати берилган мавзу учун керакли маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилишдан иборат.

Ўқитувчи ўз кучини билим олиш билан уни қўллаш орасидаги, ўзлаштирилган билим билан шакллантирилган малака ва кўникмалар орасидаги зиддиятларни енгишга йўналтириши керак. Иккинчи цикл қуйидаги босқичлардан ташкил топади:

1. Билимларни қўллаш усулини ва унинг умумий тузилишини тиклаш.

2. Билимни фан амалиётида қўллаш, малака ва кўникмаларни шакллантириш.

3. Ўқув материалининг англашилмаган жойларини таҳлил қилиш.

Таълимнинг натижаси назариядан амалиётга ўтиш жараёни билан, фактлардан билимга, ўқув масалаларини ҳал қилишга ўтиш суръати билан ўлчанади.

Учинчи цикл билимларни тизимлаштириш, тушунчаларни умумлаштириш, малакани юксалтириш, ўрганилган ва ўзлаштирилган билимларни мустақил ёки ўқитувчи ёрдамида амалиётга қўллашдан иборат. Ўқитиш ва ўзлаштиришнинг дидактик таъсири ўзлаштирилган тушунчаларни ва олинган малакаларни таққослашга қаратилиши керак. Учинчи циклнинг кўрсаткичи қуйидагилар:

1. Муаммо ва масалаларни ечишнинг янги усуллари излаш.

2. Билимларни қўтилмаган ҳолатларга қўллаш олиш.

Ўқунловчи циклда ўқувчилар билимларининг нуқсонлари ва малакаларининг салбий томонлари аниқланади, тузатилади.

Шундай қилиб, ўқув жараёнининг циклари спирал шаклида бўлиб, унинг ҳар бир циклида ўқув жараёнининг барча томонлари қуйидагича ёритилади: мақсад — педагог фаолияти — таълим воситалари — ўқиш фаолияти — натижа.

Ўқув жараёнининг циклик таҳлил унинг процессуал хоссаларини ҳам аниқлаш имконини беради. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Ўқув жараёни, ўқитиш ва ўқишнинг бир — бирига боғланиши уларнинг бирлигидир. Улардан бирининг ўзгариши иккинчисини ўзгартиради. Таълим жараёнида бу таркибий қисмлар орасида мослашган дидактик таъсир пайдо бўлади. Ташкил этувчиларнинг ўзаро мослашиши ўқув жараёнининг фаолиятини таъминлайди. У мослашиш субъектларнинг ўзаро мулоқоти вақтида амалга ошади ва таълимнинг таъсирчанлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири бўлади. У таълим жараёнини бошқаришнинг муҳим талабларидан биридир.

2. Ўқув жараёни динамик бўлиши керак. Таълимнинг циклик шакли динамиклик дейилади. Ўқитиш ва ўқишнинг биргаликдаги ҳаракати давомида таълим мазмуни фаолият объекти сифатида ва фаолият воситаси сифатида бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтади. Бу ўтиш тўғри бўлмасдан спиралсимон бўлади. Унинг спиралсимонлиги цикликни келтириб чиқаради. Ўқув жараёнининг циклари таълимнинг аниқ дидактик мақсадлари билан бошқарилади. Бир циклдан иккинчисига режали ўтиш таълим жараёнини бошқаришнинг иккинчи талабидир.

3. Утилган материалнинг ўзлашти — рилишини баҳолаш имконининг йўқлиги. Режадан четлашиш имконияти бўлган ҳолда асосий мақсад сақланиши керак. Шунинг учун баъзи четланишлар, келишувлар бўлиши мумкин.

Таълим жараёнини аниқ мақсад йўлида ташкил қилиш ва бошқариш учун ўқитувчи ўқувчилар фаолиятининг турли вазиятларидаги ҳолатини тасаввур қила олиши, натижасини кўра олиши, мақсадни тўғри ифодалай олиши, мақсадга эришиш йўллари, мулоқотнинг ташқи ва ички бошқарилишини таъминлай олиши керак.

Таълим функциялари

Таълимнинг барча компонентларини комплекс бажариш, шахснинг ижодий ривожланишини таъминлаш таълим функцияси дейилади.

Дидактика таълимнинг уч функциясини белгилайди: таълимий, ривожлантирувчи ва тарбиявий функциялари.

Таълимий функция ўқувчиларда билим ва билимни тиклай олиш фаолиятини шакллантиришдан иборат. Билим фан, тушунчалар, назариялар, қонунларни тушуниш, хотирада сақлаш ва керак бўлганда тиклай олишдир. Таълим жараёнида ўқувчилар турли фан асослари бўйича керакли билимларни оладилар, аниқ тизим асосида тартибга солинган фаолият турларини эгаллайдилар, ўз билимларининг ҳажмини, тузилишини англайдилар ва, керак бўлганда, уларни ўқув жараёнида ва амалиётда қўлай оладилар. Демак, таълим жараёнида таълим функцияси билимларни ўқувчиларнинг хусусий мулкига айлантиради, унинг билимлари таркибига

киради, унинг барча имкониятлардан фойдаланиб, керакли масалаларни ҳал қилишига, қўшимча маълумотларни излашга, янги билимларни ўзлаштиришига хизмат қилади.

Таълимий функцияга биноан билимлар ўқувчининг малакасида намоён бўлади, таълим фақат билимни шакллантиришдан иборат бўлмай, уларнинг амалий фаолиятда восита сифатида фойдалана олиш имкониятларини кенгайтиради. Шунинг учун таълим жараёнининг илм олиш функцияси ўқувчида билим тўплаш билан бир қаторда умумий ва махсус малака, кўникмаларни шакллантиришдан иборат.

Малака фаолият усулини, билимларни қўллаш усулларини эгаллашдан иборат. Малака умумий ва махсус қисмлардан иборат.

Оғзаки ва ёзма нутқни эгаллаш, ахборот материалларига эга бўлиш, ўқиш, китоб билан ишлаш, реферат тузиш, мустақил ишни ташкил қилиш ва бошқалар умумий малакани ташкил қилади. Фаннинг бир қисмида фаолият қилиш, бир ўқув фанини эгаллаш, харита билан ишлаш, илмий иш билан шуғулланиш махсус малакадир.

Таълимнинг ривожлантирувчи функцияси таълим жараёнида ўқувчининг ривожланишида намоён бўлади. Бу ривожланиш ҳамма жабҳада: нутқнинг ривожланишида, фикрлашнинг кенгайишида, шахснинг сезги ва ҳаракат фаолиятида, эмоционал, эркий, истеъмол, тажриба, ижодий фаолиятларининг ривожланишида рўй беради.

Таълим шахсни ривожлантирувчи манбадир. Ҳар қандай таълим маълумот мазмуни туфайли ривожлантирувчи фаолиятдир. Шахс фаолият жараёнида ривожланади. Агар таълим махсус

йўналишли бўлса, унинг ривожлантирувчи функцияси муваффақиятли бўлади. Таълимнинг ривожлантирувчи қоидалари маълумот мазмунини танлаш усуллари, ўқувчиларнинг таълимни қабул қилиш усуллари, нутқини, фикрлашини ривожлантиришга йўналганлигидир. Улар таълим жараёнида ривожлантириш муаммоларининг назарий ва амалий томонларини ишлаб чиқишга қаратилган.

Ақлий фаолиятни босқичли шакллантириш, муаммоли ўқитиш усули, билиш имкониятини фаоллаш усуллари каби янги ўқитиш усуллари ёрдамида амалга ошади. Таълимни ташкил қилиш ўқувчини ҳар томонлама, биринчи навбатда, ақлий ривожлантиришга қаратилиши керак. Улар ақлий фаолият усуллари бўлиб, таҳлил қилиш, таққослаш, тоифалаш ва бошқалардан ташкил топади.

Таълим олувчига кузатишни, хулоса қилишни, объектнинг муҳим белгиларини ажрата билишни, мақсадни, фаолият усулини аниқлай олишни, унинг натижасини кўра билиш имкониятларини ўргатиш муҳимдир.

Таълим жараёнида ўқувчиларда атроф муҳитда кузатиладиган фазо, ранг, ёруғлик, товуш, ҳаракат каби ҳодисаларни ва уларнинг хусусиятларини аниқ тушуниш малакаларини ривожлантириш керак.

Ўқувчи ўзининг сезги аъзоларининг кенг ва чуқур имкониятларини билиши ва бошқара олиши керак.

Ўқувчининг ҳаракат имкониятларини тараққий эттириш ўқиш давомида, меҳнатда ва турли ўйинларда ихтиёрий даражадаги мураккаб ҳаракатларни бажара олишини, фаол ва ҳар томонлама жисмоний ривожланишини таъминлаши

керак. Бу ҳаракатлар шахснинг ақлий, жисмоний фаолиятининг ривожланиши, жисмоний соғлом бўлиши учун муҳимдир.

Таълимнинг тарбиявий функцияси ўқувчиларда маънавий, эстетик тасаввурларни, дунёқарашларни, жамият қоидаларига риоя қилишни, ундаги қонунларга бўйсунуш фазилатларини шакллантиради. Таълим жараёнида ўқувчида шахсий талабларни, ижтимоий хулқни асослаш, фаолиятни, қадриятларни ҳурмат қилиш каби хислатларни шакллантиради.

Ўқитишнинг мазмуни таълимнинг бош тарбиявий фактори бўлиб хизмат қилади. Барча фанлар тенг тарбиявий имкониятга эга эмас. Гуманитар, эстетик, адабиёт фанларининг тарбиявий имкониятлари анча юқори туради. Бу, албатта, ўқувчиларнинг тарбиясига, таълимнинг социал, психологик, педагогик ҳолатларига, синфнинг сифатига, таълимнинг вақти ва жойига боғлиқ.

Таълим жараёнининг иккинчи тарбиявий фактори қилиб, ўқитувчи билан ўқувчиларнинг ўзаро муомаласини, синфдаги психологик вазиятни, таълим жараёни қатнашчиларининг муносабатини, ўқитувчининг ўқувчилар билиш фаолиятига раҳбарлик қилишини кўрсатиш мумкин. Ўқитувчининг энг оптимал муомаласи инсоний, ўқувчиларга ҳурмат кўрсатувчи, уларга маълум чегарада мустақиллик берувчи, таълим жараёнини ташкил қилишга чорловчи демократик муомаладир.

Ўқитувчи ўқув материални таҳлил қилиб, унинг тарбиявий имкониятини ҳисобга олиб, таълим жараёнини ўқув материални шахс қабул қилишига интиштирувчи, ўқишга фаол қатнаштирувчи, ўқувчиларнинг қизиқишини

шакллантирувчи, талабчанлик билан инсонга йўналган қилиб танлаши керак.

Тарбия фақат таълимга боғлиқ эмас. Етарли даражада тарбияланмаган, ахлоқ элементларидан, одобдан, жамиятда қабул қилинган этика нормаларидан маҳрум ўқувчида таълимга иштиёқ уйғотиш мумкин эмас. Таълим жараёнининг, таълимий, ривожлантирувчи ва тарбиявий функциялариаро боғланиши таълим жараёнининг диалектик характерининг бутунлиги ва бирлигидадир. Улар ўзаро чамбарчас боғланган бўлиб, бири иккинчисини бошлашга сабаб бўлади, қолгани унинг натижаси ҳисобланади, фаоллайди ва сабабчиси бўлади.

Таълим жараёни амалда ўқувчиларнинг таълим олишини, тарбияланишини ва ривожланишини ўз ичига олган дарс вазифалари билан амалга оширилади ва ўқитувчи ҳамда ўқувчиларнинг турли усуддаги, шаклдаги ўқув воситалари ёрдамида учала фаолиятнинг биргалиқда мазмунли амалга ошишидан иборат.

8 — маъруза.

Ўқитиш моҳияти

Ўқитиш таълим жараёнининг мазмун берувчи асосий компонентларидан бири бўлиб, таълим билан мустаҳкам боғланган ҳолда фаол меҳнат жараёнида амалга ошади.

Амалда таълим жараёни қуйидаги ҳолларда содир бўлади.

1. Ўқитувчи ўқув ахборотини танлайди, тизимлайди, лойиҳалаштиради ва уни ўқувчиларга педагогик усудда тақдим қилади.

2. Ҳуқуқчилар уни қабул қилади, англайди, бу ахборот билан ишлаш усуллари уни ўзлаштирадilar.

3. Таълим вазифаларига мос келувчи самарадор, рационал, бир бутун педагогик жараёни ташкил қилади, ҳар бир ҳуқуқчи билимларни эгаллайди ва бу билимлардан ўқишда, ишлаб – чиқаришда фойдаланиш усуллари уни ўзлаштиради.

Ўқитиш фаолияти ҳуқуқчиларнинг маълумот мазмуни чегараларида ўқиш ва ўзлаштириш фаолиятига раҳбарлик қилиш бўлиб, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама ақлий, жисмоний, қобилиятли ривожланишини таъминлаш вазифалари билан аниқланади.

Ўқув жараёнини бошқарувчи воситаларнинг вазифаси ҳуқуқчиларга уларнинг билим поғоналаридан босқичма – босқич кўтарилишини таъминловчи вазифалар тизимининг бир бутун жараёни элементларини таклиф қилишдан иборат. Бу поғоналар ҳуқуқчининг қуйи даражадаги муаммоларни ҳал қилишдан мустақил ўзлаштиришнинг юқори даражадаги ижодий изланишли поғоналарига ўтишини таъминловчи билимлар тўпламини шакллантиришдан иборат.

Таълим жараёнини ташкил қилиш педагогдан ҳуқуқчининг шахсий хислатларини ҳисобга олишни, унга таълим жараёнининг фаол субъекти сифатида қарашни талаб қилади. Билимни ўзлаштиришдан уни биргаликда кашф этишга, биргаликда эмоционал ҳаракат қилишга, сезишга, ҳуқуқчи билан педагогнинг шахс сифатида ҳамкорлик қилишига қаратилиши керак. Фақат натижани кўра билиш билан бирга, билимнинг кашф қилинишини тасаввур қила билиши ҳам керак.

Таълим фаолияти шаклини танлаш ўқитувчининг таълим жараёнини бошқаришдаги

роли, таълим мақсади белгилаган вазифалар билан аниқланади. Бунинг учун асосланган ўқув вазифаларини қўйиш керак ва бу вазифаларни бажариш учун ўқувчиларга қулай шароит яратиш, уларни бўладиган фаолият билан таништириш, ўз вақтида керакли ва етарли даражада ёрдам бериш, уларда қизиқиш, жавобгарлик хисларини уйғотиш керак.

Ўқитувчининг вазифалари

Таълимнинг ҳар бир бўлими ўқувчи фаолиятида, ўқувчи шахсининг шаклланишида аниқ ўзгаришлар киритади. Ўқитиш давомида ўқитувчи берилаётган билимнинг қўлланиш соҳаларини, бажарадиган вазифаларини аниқ кўрсатиши керак. Шунинг учун дарсни бошлашдан аввал ўқитувчи дарс режаси, дарс вазифалари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши керак.

Таълим жараёнида ўқувчилар билимларни ўзлаштириши учун ўқитувчига қуйидаги қоидаларга риоя қилиш тавсия қилинади:

1. Қўйилган вазифадан мазмун келиб чиқади.
2. Вазифаларни бажаришнинг реал шароитини яратиш учун ўқувчиларнинг тайёрлик даражасини ҳисобга олиш керак.
3. Ўқувчиларда ақлни, фикрни ижодий ўстириш учун уларга бериладиган вазифаларда керакли ахборотни тақдим қилиш керак.
4. Ўқувчилар фаолиятига ижобий таъсир этувчи шароит яратиш керак.
5. Вазифани бажариш усулларини ўргатиш ва ўқувчиларни босқичма – босқич мустақил ишлашга ўтказиш керак.

6. Ўқувчилар фаолиятининг кетма-кетлигини таъминлаш керак.

Навбатдаги босқич ўқувчиларнинг билиш имкониятини фаоллашдан иборат бўлиб, дастурли таъминот билан ҳар бир ўқувчининг назария асосларини ўрганишга ва олинган билимларни аниқ масалаларни ечиш учун қўллаш имкониятларини шакллантиришдан иборат.

Таълим жараёнини кузатиш, оғзаки, ёзма назорат қилиш, мустақил ишларни текшириш, бошқариш ва аниқлаштириш усуллари ўқитувчи ишини рағбатлантирувчи восита бўлиб хизмат қилади.

Агар таълим жараёни тўғри ташкил қилинган бўлса, ўқувчилар меҳнати кутилган натижани таъминласа, ўқувчиларда ўқишга қизиқиш, мустақил ишлашга иштиёқ вужудга келади.

Мустақил шуғулланиш, билим олиш учун фаоллик кўрсатиш, қийинчиликларни енгишга тайёр бўлиш, тез ва тўғри ўқиш таълим фаолиятининг муҳим параметрлари ҳисобланади.

Рус педагоги К.Д.Ушинский «Фаолият ўз моҳияти билан курашиш ва тўсиқлардан ўтишдир. Тўсиқларсиз, тўсиқлардан ўтишсиз ҳеч қандай фаолият бўлиши мумкин эмас», — деган эди. Пассив фаолият бировнинг фаолиятига чидашдир. Ўқиш фаолияти ўқувчининг ўқув субъекти сифатида яшаш шаклидир.

Ўқитиш фаолияти шаклан мазмун ва мақсад каби таркибий қисмлардан ташкил топади.

Ўқитишнинг моҳияти ўқувчига фан асосларини ўргатиш билан бирга ўргатилган фан маъносидан келиб чиқувчи фаолият усулларини ўзлаштиришдан иборат. Ўқитиш фаолияти билимни ўзлаштиришда бирламчидир. Ўзлаштириш жараёни ва

ўзлаштирилган билимлар иккиламчи характерга эга бўлиб, фаолиятдан ва ҳаракат тизимидан ташқарида ўқишни рағбатлантирувчи аниқ мақсадлар ва билим қуроли сифатида ўз кучини йўқотади.

Ўқувчилар билиш фаолиятининг шакллари

Таълим жараёнида ўқувчилар билиш фаолиятининг шакли муҳим аҳамиятга эга. Билиш фаолиятининг уч хил бор! моддий, нутқий ва ақлий шакллари. Уларга муносабат турли даврларда турлича бўлган. Асосий шакл ақлий бўлиб, уни ифодалаш қурулинутқидир. Моддий шакл асосан амалиётда, ишлаб чиқаришда ёки лаборатория ишларини бажаришда ишлатилади. Тарихан аввал моддий фаолият шакли пайдо бўлган, кейин нутқий ва сўнгида ақлий фаолият шакли вужудга келди.

Нутқий ва ақлий фаолият шакли ривожланиб, мустақиллик олгач, моддий фаолият шаклига таъсир кўрсата бошлади. Ақлий фаолият шакли етакчи ўринни эгаллади ва нутқий фаолиятни бошқара бошлади.

Билиш фаолияти шаклларининг ўзаро боғланиши ва бир — бирига таъсири ҳар бир шаклга хос ўзлаштириш усулларини ташкил қилишни тақозо қилади. Масалан, ўқувчиларнинг моддийлашган фаолият шакллари меҳнат билан, моделлар билан, асбоблар билан, тарқатилувчи дидактик материал билан, лойиҳалаш, техник объектларни тайёрлаш ва бошқа турли жараёнлар билан боғланган. Нутқий фаолият доклад тайёрлашда ва нутқ сўзлашда, реферат тақдим қилишда ишлатилади. Бу фаолият шакллари ўқиш

жараёнида ишлатилади. Уларни ишлатишнинг оптимал вариантыни аниқлаш муҳим вазифадир.

Энди ўқитувчи фаолиятини кўришга ўтамиз. Ўқув материалнинг мазмунига кўра таълимнинг қуйидаги моделларини кўриш мумкин: тушунтириш, муаммоли ва режали ўқитиш моделлари. Булардан ташқари, таълимнинг блокли, модулли, масофавий ва бошқа шакллари мавжуд. Бу моделларни қисқа кўриб чиқамиз.

Таълимнинг тушунтириш шакли

Бу усулда фаолият қуйидаги тартибда ташкил қилинади:

ўқитувчи — турли кўргазмали қуроллардан фойдаланиб, билимнинг янги элементларидан ахборот беради,

ўқувчи — ўқув ахборотини ўзлаштиради,

ўқитувчи — муҳим элементларни тушунтиради,

ўқувчи — муҳим маълумотларни умумий ҳолда ўзлаштиради, материални тушуна бошлайди,

ўқитувчи — ўқув ахборотини англашни ташкил қилади,

ўқувчи — турли усуллардан фойдаланиб ўқув материали ҳақидаги билимини чуқурлаштиради,

ўқитувчи — билимларни умумлаштиради,

ўқувчи — ўзлаштирилган материални умумлаштиради,

ўқитувчи — ўқув материални такрорлаш усули билан мустақкамлайди, материалнинг қийин жойларини назорат ўтказиб тушунтиради,

ўқувчи — турли усуллардан фойдаланиб такрорлаш билан ўзлаштирган материални пухталайди,

ўқитувчи — амалий масалалар, машғулотлар, вазиҳалар бериш билан ўзлаштирилган материални амалда қўллашни ташкил қилади,

ўқувчи — ўзлаштирган материални машқлар бажаришга, турли ҳолатларни таҳлил қилишга қўллайди.

Шундай қилиб, таълимнинг тушунтириш шакли ўқитувчи томонидан билимни тайёр шаклда беришидан ва ўқувчилар уни тайёр ҳолда қабул қилишидан иборат. Усул тежамли бўлиб, бирйўла кўп ўқувчилар таълим оладилар. Усул ўқувчида фикрлашни ривожлантирмайди. Шунинг учун дидактикада таълимнинг бошқа, янги, ўқувчиларни фикрлашга ўргатувчи усуллари устида изланишлар олиб борилмақда.

9-маъруза. **Муаммоли ўқитиш**

Муаммоли ўқитиш усули нисбатан мустақил, изланувчан фаолият бўлиб, ўқувчилар янги билим поғоналарини бирма—бир эгаллайдилар, малака ва умумий қобилиятларини ривожлантирадилар, изланувчи фаолият ва ижодий кўникмалар шакллантирадилар.

Сукрот (469-399) ва Руссо (1712—1778) ўз талабаларини муаммоли таълим усулини қўллаб ўқитганлар ва уларни ижодий фикрлашга, ҳақиқат излашга ўргатганлар.

Муаммоли ўқитиш усули Д.Дьюи (1859-1952) ишларида кенг миқёсда ривожлантирилди. Унинг турли томонлари Ж.Брунер, И.Лернер, Т.Кудрявцев изланишларида камолга етди. Бу усулга биноан ўқувчилар билимни изланишлар билан, ижодий меҳнат билан эгаллайдилар.

Муаммоли таълим жараёни қуйидагича тузилиши мумкин.

Ўқитувчи — ўқувчиларга муаммоли вазифани савол ёки тажриба шаклида қўяди.

Ўқувчи — вазифани ҳал қилишнинг имконларини ўйлай бошлайди.

Ўқитувчи — муаммони ечиш ҳақида назария, тахмин таклиф қилади, уларни асослайди ва бирини танлашни таклиф қилади.

Ўқувчи — масалани ечишнинг турли вариантларини таклиф қилади.

Ўқитувчи — таклиф қилинган вариантларини исбот қилишни таклиф қилади.

Ўқувчи — бирор вариантнинг тўғрилигини исбот қилади.

Ўқитувчи — назарияни амалда текширади, ундан хулоса чиқаришни таклиф қилади. Ўзлаштирилган янги билимларни изоҳлайди.

Ўқувчи — ўзлаштирилган янги билимларни умумлаштиради ва хулоса чиқаради.

Ўқитувчи — тахминлар нотўғри бўлганда, хатони аниқлашни таклиф қилади ва вазифани ойдинлаштиради.

Ўқувчи — масаланинг тўғри ечимини қидиради.

Ўқитувчи — ўқувчилар ечган масалани умумлаштиради, ютуқларни рағбатлантиради, ноаниқликларни кўрсатади.

Ўқувчи — мавзу бўйича умумлаштиришни ўзлаштиради.

Ўқитувчи — янги билимни мустаҳкамлашга масала қўяди.

Ўқувчи — масалани ечади, хулосаларни такрорлайди, ўз ишини назорат қилади.

Ўқитувчи — билимларни ностандарт ҳолатда қўллаш учун машқ ва масала таклиф қилади.

Ўқувчи — ўзлаштиришган билимини берилган машқни бажаришга ва ностандарт масалани ечишга тадбиқ қилади.

Шундай қилиб, таълимнинг муаммоли усулида ўқитувчи ишининг қуйидаги босқичларини белгилаш мумкин: муаммони танлайди, мумкин бўлган ечимларни кўрсатади, ўқувчиларнинг фикрлашини бошқаради, муаммони аниқлаштиради, масалалар таҳлилида, ечим режасини тузишда ўқувчига ёрдам кўрсатади, масалани ечиш жараёнида маслаҳат беради, назорат усулини танлашда ўқувчига ёрдам кўрсатади, хатоларни муҳокама қилади.

Муаммоли ўқитишда ўқитувчининг иштироки даражаси муаммонинг мураккаблиги билан, ўқувчиларнинг тайёргарлиги билан, жиҳозлар ҳолати билан, ўқувчилар фаоллиги билан аниқланади.

Ўқувчининг фаолиятини қуйидаги босқичларга ажратиш мумкин: муаммони тушунтириш, уни изоҳлаш, шароитни таҳлил қилиш, гипотеза таклиф қилиш, ечимни танлаш, ечимни бажариш, ечимнинг тўғрилигини исботлаш.

Муаммоли ўқитишда қуйидаги асосий тушунчаларни ажратиш керак: муаммоли ҳолат, муаммо, муаммоли масала, гипотеза.

Муаммоли ҳолат қийинчиликнинг психологик ҳолати бўлиб, қўйилган масала ёки ҳодисани ўқувчига маълум билимлар асосида ечиш имкониятининг йўқлигидир. У вазифа, савол, тажриба, механизм, бирор модда шаклида бўлиши мумкин.

Муаммо назарий ёки амалий савол бўлиб, таҳлил қилишни талаб қилади. Муаммони ўқитувчи ўқувчиларни мустақил ишлашга тайёрлаганидан сўнг қўяди.

Гипотеза муаммода қўйилган зиддиятларни ҳал қилиш учун берилган тахминий ечим бўлиб, кузатилган воқеа ёки ҳодисанинг сабабини тушунтиришни ўз ичига олади.

Гипотезани текшириш учун ўқитувчи аниқ ҳаракатлар қилиши, қўшимча ахборот бериши, ахборот манбаини кўрсатиши мумкин.

Яқунловчи босқичда ўқувчилар қонун, қоида тушунчаларини ифодалайдилар, Янги ўзлаштирилган билимни аввалги билимлар тизими билан боғлайдилар. Ўзлаштирилган билимларни ўқувчилар масала ечишга, амалий фаолиятга татбиқ қиладилар.

Дидактика муаммоли ўқитишларнинг турли шакллари ишлаб беради. Улар ишчи ва имитацион ўйинлар, турли жараёнларни моделлаш, аниқ ҳолатларни таҳлил қилиш, ақлий ҳужум, суҳбат ва бошқалар бўлиши мумкин. Буларнинг барчасининг асосида ҳал қилиниши лозим бўлган муаммо ётади.

Муаммоли таълим жараёнида ўқувчилар фаол интеллектуал ва амалий вазифаларни бажарадилар. Ўқувчиларда интеллектуал малакалар шаклланади. Бирор объектни қабул қилиш, ҳодисаларни кузатиш фикрлаш, таҳлил қилиш, тоифалаш, исботлаш, муаммони кўра билиш, масала қўйиш, унинг ечимини излаш шулар жумласидандир. Муаммоли таълим чуқур ва пухта билим беради, ўзлаштирилган билимлар ўқувчи онгида узоқ вақт мустаҳкам жой олади.

Муаммоли таълим ўқувчи ва ўқитувчининг катт- тайёргарлигидан сўнг самарали бўлади, чунки у кўп билимни, ўйлашни талаб қилади. Шунинг учун муаммоли таълимни изоҳловчи, дастурли таълим тизимлари билан бирга олиб бориш тавсия қилинади.

Дастурли таълим

Дастурли таълим билимларни махсус воситалар ёрдамида таълим дастури билан нисбатан мустақил ва индивидуал ўзлаштириш, малака ҳосил қилишдир. Унинг муҳими таълимий режадир. Режанинг ҳар бир босқичи билим бериш ва малака ҳосил қилувчи кетма-кетликлардан иборатдир. Дастурнинг ҳар бир босқичи, ўз навбатида, уч қисмдан иборат: мантиқан яқунланган ўқув ахборотини бериш, ахборотни ўзлаштирувчи вазифа бериш, машқни қайтариш ёки навбатдаги босқичга ўтиш учун кўрсатма бериш. Ўқув жараёни тахминан қуйидаги тарзда ўтади.

Ўқитувчи (дарслик, компьютар) — материал бўлагини беради.

Ўқувчи — материал бўлагини қабул қилади.

Ўқитувчи — материал бўлагини тушунтиради.

Ўқувчи — ўйлайди ва берилган билим бўлагини тушунади.

Ўқитувчи — назорат саволларини беради.

Ўқувчи — саволларга жавоб беради.

Ўқитувчи — жавоб тўғри бўлса, материалнинг янги бўлагини беради.

Ўқувчи — материалнинг янги бўлагини ўзлаштиради.

Мавзунинг барча қисми шу тариқа ўтилгач,

Ўқитувчи — билимни пухталаш учун вазифа беради.

Ўқувчи — вазифани бажаради.

Ўргатилаётган материалнинг характериға кўра уни ўзлаштириш учун 2 хил дастур ишлаб чиқилган: чизиқли ва тармоқланган. Чизиқли дастур бўйича таълим моделлари қуйидагидек бўлади:

1. Ўзлаштириш керак бўлган материал содда, мажбуран ўрганилувчи, кичик бўлакларға ажратилади.

2. Жавоб тез баҳоланади. Ўқувчи билмайдиган жойини тўлдиради ва тўғри жавоб билан таққослайди.

3. Таълим индивидуаллаштирилади. Ҳар бир ўқувчи ўзлаштириш учун керак бўлганича вақт сарфлайди.

Чизиқли дастурнинг афзаллиги материалнинг кичик бўлаклардан ташкил топганлиги бўлиб, ўзлаштиришнинг тўла ва мажбурийлигидир.

Тармоқланган дастурда бериладиган билим бўлаги анча катта бўлиб, ўқувчидан ҳар томонлама таҳлил қилишни ва ақлий меҳнатни талаб қилади. Ўқувчи жавобни танлов асосида беради. Жавоб нотўғри бўлганида, ўқувчининг хатоси кўрсатилади ва у бошқа бир саволға жавоб беришға жалб қилинади. Тармоқланган дастурнинг яна бир афзаллиги ўқувчини материални тўғри ва пухта йўл билан ўзлаштиришға жалб қилиш имконининг мавжудлигидир.

Бу имкониятлар мураккаб ақлий фаолият талаб қилувчи масалаларни соддалаштириш усулларини очиб беради. Умуман, таълим олиш мураккаб жараён бўлиб, биз кўрган моделлар уни

соддалаштиришдир. Соддалаштириш, ўз навбатида, таълим олдига қўйилган талабга тўла жавоб бермайди. Шунинг учун, амалда турли таълим шаклларида олинган тизим қўлланади. Ҳар бир педагог ўз қобилияти, имконияти, ўқувчиларнинг тайёргарлик даражаси, ўқитиш воситаларидан келиб чиқиб, бирор усулни асосий қилиб олади. Бошқа усуллар ёрдамчи сифатида ишлатилади. Турли дастурлардан тузилган мураккаб дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Бундай дастурлар аралаш дастур дейилади. Аралаш дастурда ўқув материали дидактик мақсаддан келиб чиққан ҳолда турли миқдордаги бўлақларга ажратилади. Таълим олувчиларнинг жавоби ҳам турли шаклда бўлиши мумкин: ҳарфлардан, сўзлардан, турли белгилардан иборат жавоблар ичидан танлаш усули билан жавоб аниқланади.

10-маъруза.

Алгоритмлашган ва блокли таълим

Дидактикада алгоритм – бу ўқув материалнинг кетма – кет жойлашган амалларини аниқ бажариб, қўйилган вазифани ёки вазифалар тўпламини ечишдан иборат бўлган алгоритм кўринишидаги таълим асосида тузилган дастурдир. Бундай алгоритмлашган таълим дастурини бошқа турдаги таълим шаклларида ишлатиш мумкин. Бунда ўқитувчи билимни ўзлаштириш, қоида ўрганиш, масала ечиш, машқлар бажариш, амалий машғулотлар ўтказиш учун алгоритм тузади. Масалан, математикада қўшиш, айириш, кўпайтириш, бўлиш, илдиз чиқариш, логарифмлаш амаллари учун, физикада, кимёда масала ечиш учун алгоритмлар тузиш мумкин. Алгоритм қўллаш таълим жараёнида

ўқувчилар фаолиятини бошқаришда, назорат қилишда юқори даражага эришиш имконини беради. Алгоритмли таълимнинг муҳим талабларидан бири ўқувчилар бошланғич маълумотининг етарли даражада юқори бўлиши ва фикрлаш малакаларининг мавжудлигидир. Алгоритмлар ўқувчи имкониятини, қўйилган масала сифатини ҳисобга олган ҳолда тузилади.

Дастурли таълим ғояси блокли ва модулли таълим концепцияларида кенг қўлланади. Дастур билан ўқувчининг эркин фаолияти ўртасида мувозанат таъминланган таълим шакли блокли ўқитиш номини олди. Блокли таълим дастури ўқувчиларда интеллектуал ривожланишнинг турлилигини таъминлайди ва турли масалалар ечишни тезлаштиради. Бу таълим режасининг қуйидаги блоклари мавжуд: ахборотли блок, тест — ахборотли блок, аниқлаштирувчи ахборотли блок, муаммоли блок, назорат қилиш ва хатоларни тузатиш блоклари.

Модулли таълимда ўқувчи модуллардан ташкил топган ўқув режаси билан ишлайди. Модулар мақсадли, ахборотли, операторли, услубий қўлланмали, билимларни назорат қилиш каби блоклардан ташкил топади. Бундай таълимни бошқариш асосан олий мактабда қўлланади.

Замонавий алоқа воситалари таълимнинг мураккаб электрон тизимини, катта дидактик имкониятларга эга бўлган телекоммуникацион тармоқлар тизимини тузиш имконини беради.

Ўқувчилар учун мураккаб ахборотлар тизими билан, маълумотлар тўплами билан, дидактик функция бажарувчи эксперт ахборот тизимлари билан мунозара шаклида ишлай оладиган интерактив дастурлар ишланмоқда. Улардан

малакалар машқи, ўқув — танишиш машқлари, ўқув — билиш ўйинлари, ёдлаш машқлари, моделлаш, тушунчаларни ўзлаштириш ва бошқа натижаларни олиш кутилади.

Ўқувчилар мустақиллигини шакллантириш

Инсоннинг атроф муҳит ҳақида ўз мулоҳазаси, ўзининг баҳолаш мезони бўлиши, ҳаракатда, фаолиятда бошқа инсонларга боғлиқ бўлмаслиги мустақилликдир.

Ўқувчилар мустақиллик даражасининг кенгайиши ва бунда педагогнинг тутган ўрни муҳим масаладир. Мустақиллик элементлари ёш болаларда кучли бўлади. Инсоннинг ёши катталашган сари ўзининг болалигида кучли бўлган мустақиллигини йўқота боради. Катта ёшли инсон ўз бошлигининг эрксиз қулига айланиб қолади. Инсоннинг ёши катталашishi билан мустақиллигининг кенгайиши демократик тизимнинг асосий шартларидан биридир. Катта ёшли одам ўз фаолияти учун бошлиқни айблашдан кўра, ўзини кўпроқ жавобгар ҳис қилиши керак. Ўқув фаолиятида ўқувчилар мустақиллик даражасининг кўпайиши унинг ўз билимларини қўллаш соҳасини кенгайтиради, турли масалаларнинг ечимини мустақил излашга рағбатлантиради, ўқувчи ўзининг айрим фаолиятларини шакллантиришдан барча фаолиятини бир бутун ҳолда шакллантиришга ўтади, тайёр ечимлар олишдан ечимларни мустақил излашга ўтишга, ўтишнинг муҳимлигини англашга, ижодий изланишларга ўтишга олиб келади.

Бундай ўтишлар ўқитувчи билан ўқувчининг ўзаро муносабатларини яхшилайти, ўқувчиларда актив фаолиятни аста — секин кучайтира боради.

Ўқувчиларнинг ўқиш фаолияти қайтариш ва ижодий изланиш жараёнларининг ўзаро муносабати билан аниқланади. Маълум бўлган ва ишлаб чиқилган усулларни қайтариш репродуктив фаолият дейилади. Маълум ёки номаълум бўлган билимларнинг ечимини топиш ижодий фаолият дейилади. Бу икки фаолият турлари ўзаро чамбарчас боғлангандир. Маълум бўлган билимлар асосида янги билимлар яратилади. Ижод элементларини икки белги — усул ва натижа аниқлайди.

Репродуктив усулдан ижодий усулга ўтиш, айрим ҳаракатларни кўришдан умумий қонуниятларга ўтиш, ўқув масалаларининг айрим компонентларини ечишдан ўқув фаолиятининг бутун тизимини ҳал қилишга ўтиш асосида ётувчи ўқув фаолияти компонентларининг бир бутунлиги ўқув фаолиятини шакллантиради.

Таълим қонуниятлари

Дидактиканинг асосий функцияларидан бири таълим жараёнини тушунтириш, унинг объектив мавжуд қонунларини, қонуниятларини аниқлашдир. Таълимнинг қуйидаги қонунлари мавжуд:

1. Таълим мақсади, усули ва мазмунининг ижтимоий асосланиши.
2. Таълим назарияси ва амалиётининг ўзаро боғлиқлиги.
3. Ўқув фаолиятини индивидуал ва гуруҳли ташкил қилишнинг ўзаро боғлиқлиги.

Қонун таъсир кучининг муайян шароитда ифодаланиши таълим қонуниятлари дейилади. Таълим жараёнининг таркибий қисмлари, компонентлари орасидаги такрорланувчи объектив, муҳим, мустаҳкам боғланишлар таълим қонуниятларини ташкил қилади. Таълим жараёни компонентлари орасидаги бу боғланишлар эҳтимолий – статистик характерга эга. Таълим жараёнининг қуйидаги қонуниятлари мавжуд:

1. Таълимнинг мақсади, мазмуни жамиятнинг шахс маълумотига бўлган талабига боғлиқ,

2. Таълим жараёнини ўқитувчи билан ўқувчининг онгли фаолияти, жамиятнинг моддий ва маданий шароитлари белгилайди,

3. Таълим жараёнининг ташқи ва ички қонуниятлари мавжуд.

Ташқи қонуниятлар таълим жараёнининг ижтимоий ҳодисаларга, иқтисодий шароитларга, ижтимоий – сиёсий ҳолатларга, жамият талабига, аҳолининг маълумот даражасига боғлиқлигини характерлайди.

Таълим компонентларининг мақсадлари, мазмунлари, усуллари, воситалари, турли шакллари орасидаги боғланишлар ички қонуниятларни белгилайди.

4. Педагогнинг таълим бериш фаолияти тарбиявий характерга эга,

5. Ўқитувчи, ўқувчи ва таълим натижаси орасида боғланиш мавжуд,

6. Ўқувчи фаоллиги билан ўқиш натижаси орасида боғланиш бор, таълим сифати ўқувчининг билимни қабул қилиш тезлиги, унинг онгли фаолиятига боғлиқ,

7 Ўзлаштирилган материалнинг пухталиқ даражаси қайтариш, аввал ўзлаштирилган материал билан боғланишидадир,

8 Таълим натижаси ва шахснинг тарбияси, ўқувчи фаолиятининг характерига боғлиқ,

Замонавий педагогик концепция ўқувчига қуйидаги талабларни қўяди:

1. Шахснинг таълими ва тарбияси маънан бой, умуминсоний қадриятларга эга, ҳар томонлама ривожланган, маҳсулдор ишлашга қобилиятли, индивидуал характерга эга шахсни етиштириш.

2. Шахсни шакллантириш шарти ўқувчининг ўқув, билиш, излаш, ижодий фаолиятлари чамбарчас боғланганлигидадир.

3. Мазмунни, усулларни, воситаларни энг кам харажатлар билан энг катта маҳсулот берадиган қилиб танлаш керак.

Дидактика қонуниятларини билиш ўқув жараёнини турли ҳолатларда энг мақбул шаклда тузиш имконини беради. Таълим тизими қонун ва қонуниятларни амалда қўллаш учун кўрсатма, қоидалар тизимини амалга ошириш технологиясидир. Таълим тизимлари муаммоси доим кўплаб олимларнинг диққат марказида бўлиб келди. Шунга қарамасдан у ўз ниҳоясига етган эмас.

Тарихан таълим тизимлари амалий фаолиятни умумлаштириш йўли билан пайдо бўлган. Уларни қисқача қилиб, «кўрғазмали таълим», «ўқиш, ўқиш ва яна ўқиш» каби тизимларга жамлаш мумкин.

11 – маъруза.

Таълим жараёни қоидалари

Ўқувчиларнинг билиш, амалий малака олиш фаолиятини педагогик бошқариш, таълим босқичларини шакллантириш, таълим цикллариини амалга оширишда таълимнинг барча жараёнларини ҳисобга олиш керак. Шахсни шакллантиришга, ҳар бир ўқувчининг индивидуаллигини ҳисобга олишга йўналган таълим жараёнининг қуйидаги қоидалари мавжуд:

1. Таълим ва тарбиянинг узаро боғлиқлиги ,
2. Дидактик жараённинг бутунлиги ва бирлиги ,
3. Таълимнинг таълимий, ривожлан — тирувчи ва тарбиявий функцияларининг бирлиги ,
4. Таълимнинг мазмуни ва усуларининг илмийлиги ,
5. Ўқувчиларнинг илм олишларида, маданий ва амалий тажриба эгаллашларида тизимлилик ва кетма — кетликка риоя қилиш,
6. Ўқитувчининг раҳбарлиги остида ўқувчиларнинг онгли, ижодий фаоллигининг ортиши ва мустақилликка эришиши,
7. Кўргазмалилик, аниқлилик ва абстрактлиликнинг, рационалик ва эмоционаликнинг, ҳосилдорлик ва тиклашнинг бирлиги,
8. Таълимнинг таъсирчанлиги ,
9. Таълим натижасининг мустаҳкамлиги, ўқувчилар билиш фаолиятининг ривожланиш,
10. Таълимнинг ҳаёт билан, демократик давлат қуриш амалиёти билан боғлиқлиги,

11. Жамоа ва индивидуал таълим олиш шакллари­нинг фойдали нисбатини танлаш имкония­тидан фойдаланиш зарурлиги.

Булар ичида энг муҳимларидан бири таълим­нинг таълимий, ривожлантирувчи ва тарбиявий функцияларининг бирлиги қоидасидир. У шахсни ҳар томонлама ривожлантиришни мақсад қилиб қўяди, ахлоқий, эстетик сифатларни маълум даражада шакллантиради, ижтимоий ҳуққни белгилайди.

Таълимнинг ва тарбиянинг ўзаро боғлиқлик қоидаси педагогик раҳбарлик билан ўқувчи фаоллигининг тараққий этиши ўртасидаги муносабатларни, таълимни ташкил қилиш билан унинг натижаси ўртасидаги муносабатларни ойдинлаштиради.

Таълимнинг бирлиги ва бутунлиги қоидаси ўқув жараёни билан бутунлик муносабатларини, таълимнинг рационал ва эмоционал, ай­тилувчи ва излаб топи­лувчи, мазмун ва сезги ўртасидаги муносабатларини очиб беради.

Таълимнинг мазмуни ва таълим усулларининг илмийлик қоидаси замонавий илм билан жамиятнинг демократик тузилиши амалиёти ўртасидаги боғланишни ифода­лайди, таълим мазмуни илмий ҳақиқатга, назарияга зид бўлмаслигини таъкид­лайди. Бу қоида ўқув дастурларида, ўқув материални танлашда ўз аксини топади ва ўқувчиларнинг илмий изланишида, фан услубларини ўзлаштиришида намоён бўлади.

Илмийлик қоидаси ўқитувчининг ўқитиш фаолиятида муаммоли ҳолатлардан фойдаланишга, ўқувчиларни турли табиат ҳодисаларини кузата билишга, ўз кузатишларини, илмий изланиш натижаларини таҳлил қилишга, олинган

хулосаларни тасдиқловчи қўшимча исботлар излашга чорлайди.

Ўқувчиларга янги ғояларни тушунтиришда ўқитувчи бир томонлама ёндашмасдан, унинг турли томонларига эътибор бериши, ҳодисанинг боғланишларини, турли муносабатларини очиши, янги билимнинг кашф қилинишини тушунтириши, билимнинг усуллари ва мураккаб томонларини кўрсатиши, ўқувчиларнинг илмий изланишларини рағбатлантириши керак.

Таълимнинг амалиёт билан боғланиш қоидаси ўқувчиларнинг олган билимларини амалда фойдаланишларига рағбатлантиришни, атроф муҳитдаги воқеаларни таҳлил қилишга ва ўз фикрига эга бўлишга ўргатади. Бунинг учун турмушдан мисоллар келтириши, ўқувчиларни ишлаб чиқариш билан таништириши, дарсда ва дарсдан ташқари машғулотларда маҳаллий ўлкашунослик музейи материалларидан кенг фойдаланиши керак. Таълимнинг амалиёт билан боғланишини кўрсатувчи усул ўқувчиларни мактабдаги ва атрофдаги ишларга жалб қилишдан иборат. Улар ўқувчи учун билим манбаи, илмнинг амалдаги татбиқи бўлиб қолади.

Таълимнинг тизимлилик ва кетма — кетлик қоидаси билимларни маълум тартибда, тизимда бериш ва ўзлаштиришни назарда тутати. У мазмунни ва таълим жараёнини бир қатор қоидаларга жамловчи мантиқий тизимни талаб қилади. Масалан, ўқув материали режалаштирилади, бир қатор мавзуларга бўлинади, уларнинг тартиби ва ишлаш усули аниқланади, ҳар бир мавзуда асосий мазмун ажратилади, муҳим тушунчалар белгиланади, ғоялар, дарс материали лойиҳалаштирилади. Ҳар бир дарс аввалги дарснинг

ҳам мазмун, ҳам характери билан мантиқан давоми бўлишига эришилади. Аввал бошланғич тушунчалар берилади, кейин назария ўтилади ва шундан сўнг машқлар таклиф қилинади. Илм, маданият, амалий фаолият, тажрибани эгаллашдаги тизимлилик ва кетма – кетлик ўқув фаолиятига тартиб киритади, ўқувчиларнинг назарий билимларини ва амалий малакаларини тартибга солади.

Тушунарлилик қоидаси ўқувчиларнинг ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олишни, ўқув материални ўқувчиларнинг имкониятларини билган ҳолда таълим жараёнини улар ақлий, руҳий, жисмоний юкланишлар сезмайдиган қилиб ташкил қилишни талаб қилади. Ўқувчиларга яқин, тушунарли бўлган билимлардан қийин билимларга, енгил тушунарли материалдан тушуниши қийин бўлган материалга ўтишни тақозо қилади. Ёшига нисбатан қийин бўлган материал ўқувчини тез толиқтиради, фаолиятини сусайтиради, унинг ишчанлигини камайтиради. Ўқув материални ўта соддалаштириш ўқувчиларнинг фанга қизиқишини камайтиради, уларнинг ривожланишини сусайтиради. Демак, ўқишнинг қийинлиги, тушунарсизлиги ўқув материалининг мураккаблигига, ўқитиш усулига, ўқув фаолиятини ташкил қилишга боғлиқ.

Таълимнинг кўргазмалилик қоидаси жуда қадимдан маълум бўлиб, ўқувчидан эшитиш сезгиси билан бирга унинг кўриш сезгиларини ҳам жалб қилишни талаб қилади. Ўқиш давомида имкон чегарасида ўқувчиларни кўришга, ўлчашга, тажриба ўтказишга, амалий машғулотга кўпроқ жалб қилиш керак. Бунда моделлар, расмлар, лаборатория жиҳозлари муҳим аҳамиятга эга. Ўқув кўргазмалари турини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Табиий кўргазмалар.
2. Тажрибавий кўргазмалар.
3. Ҳажмий кўргазмалар.
4. Тасвирий кўргазмалар.
5. Аудио эшиттиришлар.
6. Символик ва график кўргазмалар.
7. Нутқ билан ифодаланувчи маълумотлар.

Кўргазмали қуроллар маълум чегарада бўлиши керак. Кўргазмалар ўқувчи билимини юқори поғонага кўтаришга хизмат қилиши, кўришдан абстракт фикрлашга ўтишини таъминлаши керак.

Таълим жараёнида ўқувчиларнинг онглилиги ва фаоллиги қондаси муҳим қондалардан бўлиб, уларнинг таълим субъекти сифатида мустақил билим олишга ўтишида фойдали бўлади. Ўқувчи таълим мақсадини тушунади, ўз ишини режалаштиради, ўзини синайди, ўқишга қизиқади, муаммолар қўяди ва уларни ечишга интилади. Ўқувчилар шахсий масъулият ҳис қилиши, ўқув услубини эгаллаши, турли вазиятларда билимдан фойдаланиши керак.

Таълим жараёнида ўқувчиларнинг фаоллигини қуйидаги усуллар билан ошириш мумкин.

1. Ўқувчи манфаатига таяниш ва ўз касбида билимдан манфаат топишини тушунтириш.

2. Илмий ва амалий муаммоларни ўрганишга йўналган масалаларни ечишга ўқувчиларни жалб қилиш.

3. Диалектик ўйин, мунозара каби таълим усулларида фойдаланиш.

4. Таълим жараёнида ўқувчиларнинг ижтимоий манфаатларини рағбатлантириш.

Бу қоидалар ўқучилар билимларини чуқурлаштириш билан бирга уларнинг ўсишига, тарбиясига ижобий таъсир қилади.

Ўзлаштирилган билимнинг пухталиқ қоидаси ўқувчилар хотирасида билимларнинг мустақкам ўрнашишини таъминлайди, уларнинг хулқини яхшилайдди. Хотира ва хотирадан тиклаш материал мазмуни билан бирга ўқувчининг бу материалга бўлган муносабатига боғлиқ. Шунинг учун ўқувчида ўрганилаётган материалга ижобий муносабат уйғотиш, қизиқтириш керак. Қуйидаги қоидалар ўқувчи хотирасини пухталайдди.

1. Ўқувчида ақлий ва билиш фаоллиги бўлиши керак.

2. Пухта ўзлаштириш учун машқлар миқдорини ва такрорлашни тўғри уюштириш, ўқувчиларнинг турлилигини ҳисобга олиш керак.

3. Материални тўғри тузиш, асосий қисмларга урғу бериш, мантиқий боғланишларни таъкидлаш керак.

4. Таълим натижасини тўғри назорат қилиш, баҳолаш керак.

5. Ургатилган билимларни ўқувчининг шахсий мулкига айланишига эришиш, ўқувчиларнинг билимларни мустақил ўзлаштириши, уларни турли машқларда ишлата билиши, эркин муҳокама қила олиши керак.

Жамоа ва индивидуал ўқиш шакллари мувофиқлаштириш қоидаси турли таълим усулларида фойдаланишда намоён бўлади. Улар дарс, экскурсия, амалиёт, индивидуал машғулотлар, кичик ва катта гуруҳларда ишлаш, тўгарак, клуб, турли бирлашмаларда ўтказиладиган суҳбатлар бўлиши мумкин. Бу қоидалар ўқувчиларнинг ҳар томонлама ривожланишига, илмий, малакавий,

ахлоқий, эстетик сифатларининг шаклланишига таъсир қилади.

Кўрилган барча қоидаларни қуйидаги уч бандда умулштириш мумкин:

1. Ўқитувчи барча қоидаларни назарда тутиши, мақсадни илмий асослаши, мазмунни, усулни, воситаларни, ташкилий шаклларни, ўқув жараёнининг муваффақиятли бўлишини таъминлашга қаратиши керак.

2. Ўқитувчи ҳар бир қоидани яхши ўзлаштириши, уларни бир тизимга бирлаштириши, асосий қонун ва замонавий таълим концепцияларини муҳим дастур қилиб олиши керак.

3. Ўқитувчи педагогик жараённинг барча зиддиятларини, ўзаро боғлиқ элементларини назарда тутиши, таълим қонунларига ва қоидаларига таяниб, уларнинг ўзаро муносабатларини моҳирлик билан бошқариши керак.

12-маъруза.

Таълим мазмуни тушунчаси ва моҳияти

Таълим инсон, жамият ва давлат манфаатлари йўлида ўқитиш ва тарбиялаш жараёнидир. Таълим жараёнида инсон тизимлашган билимлар, малакалар, кўникмалар тўпламини ўзлаштиради, унинг ақли, сезгилари ортади, дунёқараши ва билимлари шаклланади.

Кенг билимли, чуқур фикрли, олийжаноб инсон илми дейилади.

Моддий ва маънавий билимларни ўз ичига олган дидактик назария 19 аср бошида вужудга келди.

Таълим мазмунини шакллантирувчи моддий назария ёки дидактик материализм назарияси ўқувчиларга турли фанлардан, имкон борича, кўпроқ ҳажмда билим беришни талаб қилади. Бу назария тарафдорлари бирор фаолиятни эгаллаш даражаси ўрганилаётган билим миқдорига бевосита боғлиқ, деб ҳисоблайдилар ва ўз дастурларига имкон даражасида кўп материал киритадилар. Бу назария асосчиси Я.А.Коминский ўз дарслигига ўқувчи учун зарур бўлган барча билимларни киритган эди.

Дидактик формализм назарияси, «кўп билим ақл бермайди», деган мақолга риоя қилади. Бу назария тарафдорлари таълимнинг асосий мақсади ўқувчининг қобилиятини, билиш манфаатларини, рухий жараёнларини ривожлантириш деб ҳисоблайдилар.

Замонавий дидактикада таълим мазмунининг турли концепциялари мавжуд, уларнинг илдизи узоқ ўтмишдаги расмий ва моддий таълим назарияларидан бошланади.

Якка шахс диктатураси билан демократик тизим ўртасидаги зиддият охир оқибатда — «жамият инсон учунми?», ёки «инсон жамият учунми?», — деган масалага бориб тақалади. Бу иборани — «инсон мақсадми ёки воситами?», — деб қараш мумкин.

Мактабда ўқитиладиган таълим концепцияларидан бири бу саволни фанни асослашнинг педагогик адаптацияси деб қарайди ва шахснинг ижодий қобилиятини, танлов эркини ривожлантиришни, инсонга инсоний муносабатда бўлиш каби фазилатларни четда қолдиради.

Иккинчи концепция таълим мазмунини ўқувчилар ўзлаштириши зарур бўлган билимлар,

малакалар ва кўникмалар тўплами деб қарайди. Инсонга, унинг билиши ва бажара олишини талаб қилиш етарли, деб ҳисоблайди. Қўйилган талаблар ҳам шунга мос бўлиб, ўсиб келаётган авлодга тил, математика, физика ва бошқа фанлар асосларини бериш етарли деб ҳисоблайди.

Умумий ўрта таълим мазмунининг учинчи концепцияси бу икки концепцияни етарли эмас, деб ҳисоблайди. Инсоннинг баъзи таъсир доираларидаги масалаларни ечиши ўқувчидан турли фан асосларини билиш билан бирга уларда эркинлик, ўз имкониятларини била олиш, ўз ҳаракатига жавоб бера олиш, жамият, мамлакат тақдирига бефарқ бўлмаслик, атроф муҳитни ҳимоя қилиш хислатларини тарбиялаш билан бирга бефарқлик, техник ва ижтимоий тараққиётга етарли эътибор бермаслик каби хислатлардан холос қилишни талаб қилади.

Баён қилинаётган концепцияга биноан таълим мазмуни тўрт элементдан ташкил топиши керак. Бу элементлар таълим тузилишини ташкил қилади:

1. Билимдан иборат натижа шаклида ифодаланган илмий фаолият тажрибаси.

2. Намунага биноан ҳаракат қилувчи малака кўринишидаги шаклга эга бўлган маълум усул билан фаолият қилиш тажрибаси.

3. Муаммоли ҳолатларда ностандарт ечим бажара олувчи ижодий фаолият тажрибаси.

4. Шахсга йўналиш шаклидаги сезги муносабатларини амалга ошириш тажрибаси.

Уларнинг ҳар бири таълим мазмунининг махсус кўринишини ташкил қилади. Булар қуйидагилардан иборат:

1. Табиат, жамият, техника соҳаларида фаолият кўрсатиш усуллари ҳақидаги билимлар. Бу билимлар ўқувчи онгида дунё манзарасини шакллантиради, уни билиш ва амалий фаолиятта тўғри ёндашиш усули билан қуроллантиради.

2. Шахснинг билим, малака ва кўникмаларида намоён бўлувчи фаолият усулларини амалга оширади.

3. Жамият олдида намоён бўлувчи янги ахборотларни ҳал қилувчи ижодий тажриба беради. У аввал ўзлаштирилган билимларни янги ҳолатларга мустақил татбиқ қилишни, янги фаолият турларини шакллантиришни талаб қилади.

4. Инсоннинг фаолият усуллариغا, буюмларга, атроф – муҳитга, инсонлар талабларига ҳурмат билан қараш туйғуларини белгилайди.

Барча санаб ўтилган таълим мазмуни элементлари ўзаро чамбарчас боғланган. Шундай қилиб, умумий таълим мазмуни ўқувчилар билиш фаолиятининг муҳим шарти бўлиб, ўқувчилар фаолиятини лойиҳалайди, амалга оширади, шахснинг таълимга бўлган талабларини қондиради, шахсни ривожлантиради, унда маданий меросга ҳурмат асосларини шакллантиради. Дидактика нуқтаи назаридан таълим мазмунининг фаолият билан бирлигини намоён қилади.

Мактаб таълими мазмунини шакллантирувчи манбалар ва шартлар

Таълим мазмунининг манбаи бўлиб фан, моддий, маънавий ишлаб чиқариш, жамият муносабатлари тажрибаси, маънавий бойликлар, ижтимоий онг шакллари, инсон

фаолияти шакллари хизмат қилади. Амалиёт, билим олиш, алоқа, моддий, маданий бойлик яратиш инсон фаолияти турига киради. Жамиятнинг маълумотли шахсга бўлган эҳтиёжи, жамиятнинг умутаълим мактабидан жамиятнинг турли тараққиёт босқичларида кутган мақсади, таълимнинг мавжуд имкониятлари, мазмуни, ўқувчиларнинг имкониятлари, шахснинг таълимга эҳтиёжи, таълим мазмунини танлаш ва шакллантириш шартини ташкил қилади. Таълимга талабни жамият ва давлат қўйиши билан бирга ҳар бир фуқаро ўз талабини билдириши мумкин. Давлат таълим талабини стандартга мос қилиб қондириши керак.

Таълим мазмунини танлаш асосида умумий лойиҳалаш қоидалари, ўқув материали мазмунини аниқлаш вазифасини белгиловчи мезон ётади. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Таълим мазмунига илмий фаолиятнинг замонавий ҳолатини белгиловчи натижалари киритилади. Улар асосий тушунчалар, қонунлар, турли ходисаларни акс эттирувчи назария, фанлар берувчи кашфиётлар, асосий муаммо турлари, уларнинг усуллари дидир.

2. Аксарият фаолиятлар учун умумтаълим аҳамиятига эга бўлган билимлар таълим мазмунига киритилади

3. Назария, жараён, уларнинг механизмлари, ҳаракат қоидаларини акс эттирувчи қонунларни баён қилишда тежамли, тушунарли, мантиқан ривожланган билимлар тўпламини таълим мазмунига киритиш керак.

4. Турли фан асосларида назарий билимнинг амалий қўлланиш усулларини очиш керак.

5. Онгли ўзлаштириш ва илмий фикрлашнинг тараққиётини, таълим мазмунида услубий билимларни акс эттиришни, гоёлар ривожини, билимларнинг кашф қилиниш тарихини, уларнинг ривожланиш жараёнини очишни тақозо қилади.

6. Танишиш учун таълим мазмунига жамият ва шахс тараққиёти учун муҳим бўлган асосий ҳал қилинмаган муаммоларни ҳам киритиш керак.

7. Фанлараро боғланишни амалга ошириш керак.

Бу қоидаларни 3 қисмга бирлаштириш мумкин:

1. Таълим мазмуни унинг барча элементларида, барча лойиҳалаш даражаларида ривожланувчи, инсонпарвар, демократик жамият талабларига мос келиши қоидаси.

2. Ўқув материалнинг мазмунини шакллантириш ва лойиҳалашда мазмун билан жараённинг бирлиги қоидаси. Бу қоидани амалга ошириш инсон фаолиятининг турли томонларини барча ўқув режаларида ҳисобга олишни талаб қилади.

3. Таълим мазмунининг тизим бирлиги қоидаси, уни шакллантиришнинг турли даражаларида ўқувчининг шахс сифатида ривожланишини ҳисобга олиши, таълим мазмуни компонентларининг мувозанатини, мутано — сиблигини ва мослигини таъминлаши керак.

Кўрсатилган қоидаларга мос равишда умумдидактик танловнинг қуйидаги мезонлари тавсия қилинади:

1. Мактаб таълимининг мазмуни ўқувчилар тушунадиган умумтаълимий назарияни, ижодий, мустақил фикрловчи инсонни

тарбияловчи, муҳим бўлган бир бутун муаммоли билишлар тўпламини акс эттириши .

2. Мактабда ўқитиладиган ҳар бир ўқув фанига ва барча фанлар тизимига киритиладиган материалнинг юқори даражада илмий ва амалий аҳамиятга эгаллигини таъминловчи мазмунга эга бўлиши.

3. Умумтаълим материали мазмунининг мураккаблиги берилган ёшдаги ўқувчиларнинг имкониятларига мос келиши.

4. Мазмун ҳажмининг ўқишга ажратилган вақтга мос келиши.

5. Мазмун халқаро умутаълимий тажрибани ҳисобга олиши.

6. Мазмунининг замонавий мактабнинг ўқув — услубий имкониятларига мос келиши.

13-маъруза.

Умумтаълим стандарти

Таълим жараёни учун таълим мазмуни ва мезони билан бирга умумтаълим давлат стандарти зарур. У давлат миқёсида ягона таълим ҳудуди тузиш ва давлатни жаҳон таълим амалиети даражасида туриши , жаҳон маданияти тизимига кириши учун зарур.

Таълим стандарти ўқув масканининг битирувчилари олдига мазмун, усул, шакл, таълим воситалари ва таълим назарияси бўйича қўйиладиган талаблари тўпламидан иборат.

Давлат таълим стандартида уч таркибий қисм: умумдавлат, регионал ва мактаб стандартлари мавжуд.

Умумдавлат таълим стандартида республикада ягона педагогик талаблар кўрсатилган бўлиб, у

шахсни жаҳон фани ва маданиятига қўшилиш имконини беодаи.

Регионал стандартга давлатнинг бир қисмида ўзлаштирилиши зарур бўлган тил, тарих, география, санъат ва бошқа шу регионнинг хусусиятларини, унинг тараққиётини акс эттирувчи дарслар киритилади.

Мактаб стандарти бир мактабнинг ўзига хос хусусиятларни акс эттиради.

Стандарт давлатнинг ўз фуқаролари олдидаги ва фуқароларнинг давлат олдидаги мажбуриятларини ифодалайди. Таълим стандарти қуйидаги ҳолатларни ўз ичига олади:

1. Ўқувчига умумтаълим тайёргарлигида бериладиган таълим мазмунининг ҳар бир босқичининг тафсили баён қилинади.

2. Кўрсатилган мазмун ҳажми чегараларида ўқувчи билиши зарур бўлган энг кичик талаблар берилади.

3. Йил давомида берилиши зарур бўлган энг катта ўқув юкмаси берилади.

Давлат таълим стандарти ўқув режаси, ўқув дастури ва дарсликларда намоён бўлади.

Ўқув режасида назарий тушунчалар, ўқув дастурида ўқув фанининг даражаси, дарсликда ўқув материали даражаси акс эттирилади. Бу аниқ қолип бўлмасдан ўқувчилар ўзлаштирилиши зарур бўлган фanning энг кичик талабларидир. Уларнинг тафсилотларини кўрамиз.

Ўқув режаси

Ўқув режаси мактаб таълим фаолиятини йўналтируви мезоний ҳужжат бўлиб, мактабда ўқитиладиган фанларнинг номини, ҳар бир фанга

бир йил давомида ажратиладиган соатларни кўрс тади. Мактаб амалиётида ўқув режаларининг қуйидаги кўринишлари мавжуд:

1. Умумтаълим муассасаларининг асосий ўқув режаси давлатнинг меъерий ҳужжати бўлиб, таълимнинг берилган соҳадаги давлат стандартининг таркибий қисмидир. У Олий мажлис қарори билан тасдиқланади. Шу режа асосида тузилган намунавий ўқув режасини Давлат Таълим Вазирлиги тасдиқлайди. Асосий ўқув режаси регионал, намунавий ва ишчи режалар тузиш учун асос бўлиб, мактабни молия билан таъминлашга ҳужжат ҳисобланади.

Регионал ўқув режаси таълимни бошқарувчи регионал ташкилотлар томонидан давлат ўқув режаси асосида тузилади ва Республика вазирлигида тасдиқланади.

Мактаб ўқув режаси Давлатнинг асосий ўқув режаси ва регионал ўқув режалари асосида узоқ вақтга тузилади. У аниқ бир мактабнинг хусусиятларини акс эттиради. Мактаб режасининг икки тури мавжуд:

1. Давлат ва регионал ўқув режалар асосида узоқ вақтга тузиладиган режа. У мактабнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олади, асосий ўқув режасида берилган иловаларга биноан турли тилдаги синфлар учун тузилади.

2. Жорий шароитларни ҳисобга олган ҳолда тузиладиган ишчи режа. Ишчи режани ҳар йили мактабнинг педагогик кенгаши тасдиқлайди.

Умумтаълим ўқув режаларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш икки йўналишда олиб борилади:

1. Фан, техника ва ижтимоий ҳаётда рўй берган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда аввал ўтилмаган янги фанлар киритилади.

2. Ананавий фанларнинг улуши қайта кўрилади.

Асосий ўқув режада таълимнинг асосий ва технологик фанларга бўлиниши кўрсатилган. Асосий фанлар бошланғич ва умутаълим мактабларида ўқилади. Юқори даражадаги таълим муассасаларида технологик фанлар ўқитилади.

Қуйида умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 августда қабул қилган қароридан ўрта мактаб таълим режаси келтирилади.

Синфлар

I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	Ҳафтава к/соат	Йилли к/соат
Ўзбек тили										
	2	2	2	2	2	2	2	2	16	544
Она тили ва адабиёт										
8	8	10	10	▼	7	5	5	5	67	2270
Чет тили										
				3	3	3	3	3	15	510
Тарих										
				2	2	3	3	3	13	442
Давлат ва ҳуқуқ асослари										
							1	1	2	68
Иқтисодий билим асослари										
							1	1	2	68
Математика										
5	5	5	5	5	5	5	5	5	45	1525
Информатика										
							1	2	3	102
Физика										

					2	2	2	2	8	272
Кимё										
						2	2	2	6	204
	Б	и	о	л	о	г	и	я		
				1	2	2	2	2	▼	306
Табииёт ва география										
1	1	1	1	1	2	2	2	2	13	441
Одобнома										
	1	1	1	1					4	135
Ватан туйғуси										
					1	1			2	68
Маънавий асослари										
						1	1	1	3	102
Муסיқа маданияти										
1	1	1	1	1	1	1			7	237
Тасвирий санъат										
1	1	1	1	1	1	1			7	237
Чизмачилик										
							1	1	2	68
Меҳнат										
1	1	1	1	2	2	2	1	1	12	407
Жисмоний тарбия										
2	2	2	2	2	2	2	2	2	18	610
Ҳафталик умумий соатлар (давлат ихтиёридаги соатлар)										
2	2	24	24	3	3	33	34	35	254	8616
0	2			0	2					
Мактаб ихтиёридаги соатлар										
2	2	2	2	2	2	2	2	2	18	610
Ҳафталик энг кўп дарс соати										
2	2	26	26	3	3	35	36	37	272	▼226
2	4			2	4					
Амалий меҳнат машғулотлари (кун)										
				6	6	10	16			

14-маъруза.

Ўқув дастури

Ўқув дастури меъёрий ҳужжат бўлиб, унда ҳар бир фан бўйича ўқувчилар эгаллаши зарур бўлган билимлар тўплами, малака ва кўникмалар мажмуаси акс эттирилади. Унда ўқув фани бўйича ўрганиладиган мавзулар, ҳар бир мавзуга тавсия қилинадиган вақт, уларнинг йиллар бўйича тақсимооти, фанни тўла ўзлаштириш учун керак бўлган вақт кўрсатилади. Мактабда 2 хил дастур ишлатилади: намунавий дастур ва ишчи дастур.

Намунавий ўқув дастури умумлашган бўлиб, асосий билимлар, кўникмалар, малакалар ва етакчи илмий дунёқарашларни ўз ичига олади ҳамда методик характерга эга умумий тавсия сифатида ўқитишнинг керакли ва етарли воситалари, аниқ фанларни ўқитиш учун махсус кўрсатмалар берилади. Намунавий ўқув дастурини Давлат Таълим Вазирлиги тасдиқлайди ва у тавсиявий характерга эга бўлади.

Намунавий ўқув дастури асосида ишчи ўқув дастури тузилади. Ишчи дастурда миллий регионал қоидалар, мактабнинг ўқитувчилар потенциали, мавжуд ахборотлар, техникавий таъминот, ўқувчиларнинг тайёргарлик даражаси ҳисобга олинади. Баъзида махсус фанларни ўқитишда муаллифлик ўқув дастуридан фойдаланилади. Улар мутахассис ўқитувчилар томонидан тузилади, ўқувчилар бу фанларни танлов асосида факультатив эшитадилар. Дастурни четдан олинган тақриз билан мактаб педагогик кенгаши тасдиқлайди. Ўқув дастури уч қисмдан иборат бўлади:

1. Тушунтириш хати, унда фаннинг мақсади билдирилади.

2. Мазмун, ўқув материали, асосий ахборотлар, тушунчалар, қонунлар, назариялар, талаб қилинадиган малака ва кўникмалар тўплами, фанлараро боғланиш асосида шакллантириладиган билимлар тўплами, дастурни амалга оширувчи услубий кўрсатмалар, ташкилий шакллар, таълим воситалари, ўқувчиларнинг ўзлаштирган билимларини баҳолаш усуллари келтирилади.

Ўқув дастурини тузишда 2 хил усулдан фойдаланилади: чизиқли ва ҳалқасимон. Ўқув дастурини чизиқли шаклда тузишда ўқув материали бир чизиқда кетма-кет терилади ва ўзаро боғланган узлуксиз кетма-кетликни ташкил қилади, ўзаро боғланган ўқув материалларининг ҳар бир бўлаги бир марта ўтилади. Навбатдаги билим аввалгисига мустақкам боғланган ҳолда ифодаланади.

Ҳалқасимон дастур усулида бирор материал бирнеча марта такрорланади, ҳарбир навбатдаги материални ўтишда унга мураккаб элементлар қўшилади, кенгайтирилади, чуқурлаштирилади, халқалараро боғланишлар ойдинлаштирилади.

Ҳалқасимон ва чизиқли боғланишларнинг нуқсонлари ўқув дастурини спиралсимон тузиш усули билан йўқотилади. Дастурнинг спиралсимонлиги ўқувчиларда асосий муаммони ёдда тутган ҳолда у билан боғлиқ бўлган билимларни кенгайтиради ва чуқурлаштиради.

Дарсликлар ва ўқув қўлланмалари

Дарсликлар ўқувчиларнинг мустақил ишини ташкил қилишда асосий манба бўлиб хизмат қилади. Мустақил иш, ўз навбатида, энг муҳим ўқув воситасидир. Дарслиқда ва ўқув қўлланмасида

тўпланган материал ҳақиқий илмнинг тавсифи бўлиб, ўқувчи учун олиш мумкин бўлган энг муҳим илм манбаидир. Бу манбанинг аҳамияти ўқувчининг ёши катталашishi билан орта боради, унинг манфаатларини, хусусиятларини, психикасини ҳисобга олади ва талабларини рағбатлантиради.

Дарсликнинг тузилиши матннинг бош ва қўшимча ташкил этувчиларини ўз ичига олади. Барча матнлар ифодалашга, ҳикоялашга, мулоҳазага бўлинади. Саволлар, топшириқлар, жадваллар, расмга ёзувлар, машқлар, расмлар, кириш сўзлари, эслатмалар, мундарижа, адабиёт ва сўз кўрсаткичлари номатн ташкил этувчиларга киради.

Ўқув қўлланмада бирор мавзу дарсликка нисбатан кенгайтирилган ҳолда, турли қўшимчалар, янги олинган маълумотлар билан берилади ва у дарсликни тўлдирувчи материал ҳисобланади. Хрестоматия, машқлар тўплами, масалалар тўплами, лугатлар, маълумотномалар, хариталар, аудио —, видеокассеталар, синфдан ташқари ўқув китоблари ва бошқалар ўқув қўлланма дейилади.

Ўқув қўлланма билан ишлаш ўқувчида ўз фикрини изоҳлаш, билдириш, фикрларни таҳлил қилиш, танқид қилиш, тўлдириш каби малакали хислатларни шакллантиради.

Таълим усулининг моҳияти

Ўқувчи ва ўқитувчининг дарсдаги фаолияти таълим усули дейилади. Таълим усули барча ўқитувчиларда турличадир. Педагогикада ўқув фаолиятини ташкил қилиш шакллари, усуллари жуда хилма — хил. Ҳар бир усул ўз тузилишига эга бўлиб, индуктив ва дедуктив қисмларга

бўлинади. Таълим усуллари куйидаги тоифаларга ажратиш мумкин:

1. Нутқий усул.
2. Кўрғазмавий усул.
3. Амалий усул.

Таълим усуллари ичида нутқий усул етакчи аҳамиятга эга. Нутқий усулнинг ҳикоя, тушунтириш, суҳбат, мунозара, китоб билан ишлаш ва бошқа усуллари мавжуд. Уларнинг ҳар бирини алоҳида кўриб чиқамиз.

Ҳикоя усули материал мазмунини оғзаки гапириб беришдир. Унга куйидаги талаблар қўйилади:

1. Фақат ишончли ҳодисани сўзлаш.
2. Сўзланаётган ҳодисаларни етарли даражада ёрқин ва ишончли мисоллар, далиллар билан исботлаш керак.
3. Мантиқли ва аниқ сўзлаш керак.
4. Жозибали сўзлаш керак.
5. Содда ва тушунарли сўзлаш керак
6. Нутқни шахсий баҳолаш элементлари билан тўлдириб, ҳодиса ва воқеаларга ўқитувчи ўз муносабатини билдириши керак.

Тушунтириш усули деганда сўзланаётган қонун ва қонуниятларни, ўргатилаётган объектнинг муҳим хоссаларини, айрим тушунча ва воқеаларни изоҳлаш назарда тутилади. Тушунтириш изоҳлашнинг монологик шакли бўлиб, вазифани аниқ ифодалаш, масала моҳиятини, воқеа сабабларини, натижаларни кетма – кет очип, исботлаш, таққослаш, ёрқин мисоллар келтириш, изоҳнинг мантиқли бўлишига эришиш керак. Тушунтириш барча ёшдаги ўқувчиларга қўлланиши мумкин бўлган усул бўлиб, ўқувчиларнинг

интеллектуал имкониятлари ортиши билан бу усулнинг аҳамияти орта боради.

Суҳбат таълимнинг диалогик усули бўлиб, ўқитувчи ўқувчиларни янги материални тушунишга тайёрлайди. Суҳбат дидактиканинг энг кекса усули бўлиб, турли қисмлардан иборат: кириш сўзи, янги билимни ифодалаш, ўзлаштирилган билимни мустаҳкамлаш. Суҳбатнинг кириш қисмида ўрганилаётган билимнинг муҳимлиги очилади, ўқувчининг диққати жамланади. Янги билимни шакллантириш ўқувчиларни янги билимлар билан таништиришдан иборат бўлиб, ўқувчилар бу янги билимларни ўзлаштирадilar. Пухталовчи суҳбатда ўқувчилар янги олган билимларини тизимлаштирадilar, уларни ностандарт ҳолатларда қўллаш шароитларини аниқлайдилар, янги ўқув ва илмий масалаларга қўллашни ўзлаштирадilar.

Суҳбатни юқори синфларда қўллаш яхши натижа беради, уларда билимлар етарли даражада бўлиб, ўз фикрларини турли масалалар юзасидан билдира оладилар. Суҳбат усули қуйидаги афзалликларга эга:

1. Ўқувчининг ўзлаштириш фаолиятини кучайтиради .
2. Хотира ва нутқини ривожлантиради.
3. Ўқувчилар билимини чуқурлаштиради.
4. Тарбиявий аҳамиятга эга.
5. Билимнинг диагностик вазифасини бажаради.

Суҳбатнинг камчиликларидан қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин: суҳбат кўп вақт талаб қилади, унда таваккалчилик элементлари мавжуд, ўқувчидан етарли даражада кўп билим талаб қилади.

Мунозара таълим жараёнида катта ўрин эгаллайди ва таълимий ҳамда тарбиявий аҳамиятга эга.

Маъруза катта ҳажмдаги материални яқка тартибда баён қилишдан иборат бўлиб, бир бутун тугалланган характерга эга. У, асосан, олий таълим муассасаларида қўлланади, умутаълим мактабларида фаннинг айрим қисмлари бўйича қамров сифатида ишлатилади.

Дарслик билан ишлаш билим олишнинг муҳим усулидир. У ўқувчидан катта чидам талаб қилади. Ўқитувчи ёрдамида чидамли ўқувчи дарсликни тушунишга муваффақ бўлади. Китоб билан ишлашнинг конспект тузиш, режа тузиш, тезис тайёрлаш, кўчирма олиш, аннотация ёзиш, тақриз ёзиш, маълумот йиғиш, модел ясаш, мавзу бўйича тезис ёзиш, ғоялар йиғиш ва бошқа усуллари мавжуд.

Конспект тузиш ўқиган, тушунган материални ёзма шаклда қисқа баён қилишдир.

Режа — берилган мавзу бўйича ўзлаш — тирилган билимларнинг асосий бўлақларини санаб чиқиш.

Тезис тайёрлаш — бирор мавзу бўйича йиғилган билимларни қисқа баён қилиш, докладнинг қисқартирилган ифодаси.

Кўчирма олиш — китобда, мақолада келтирилган материалдан фикрни тасдиқловчи, муҳим ҳисобланган ибораларни айнан кўчириб олиш.

Аннотация — китоб ёки мақола мазмунининг қисқа баёни.

Тақриз — бадиий, илмий асарни, кино — фильмни ёки саҳна асарини танқидий баҳолаш.

Маълумот йиғиш — фаннинг бирор соҳаси бўйича, санъат асаридан, бадиий соҳадан,

жисмларнинг, модаларнинг хоссалари бўйича қисқа ахборотлар йиғиш.

Модел яшаш — намуна бўлиб, бирор буюмнинг катталашган ёки кичиклашган шаклини тайёрлаш, масалан, атомнинг планетар моделини яшаш.

Тезис ёзиш — нутқнинг асосий қисмларини белгилаб олиш.

Гоя йиғиш — китоб, журнал ўқиш вақтида учраган гоёларни ёзиб олиш.

Таълимнинг кўргазмали усулини 2 гуруҳга бўлиш мумкин: тасвирий усул ва намойиш усули.

Тасвирий усул — плакат, расм, жадвал, карта, чизмалар, моделлар кўрсатишдан иборат. Намойиш усули асбоблар, тажрибалар, механизмларнинг ишлашини, кинофилмларни, диапозитивларни кўрсатишдир.

Сўнги вақтларда шахсий компютерлар, электрон техникаси, мультимедия кўрсатишлари кенг ривожланмоқда.

Кўргазмали дарс ўтишда қуйидаги қоидаларга риоя қилиш керак:

1. Кўргазмавий қуроллар ўқувчининг ёшига мос келиши шарт.

2. Кўргазмалар маълум педагогик чегарада бўлиши керак.

3. Кўргазмаларни синфдаги барча ўқувчилар кўра олиши керак.

4. Кўрсатилаётган буюмларнинг барча қисмларини тушунтириш керак

5. Намойиш қилинаётган материал мавзу мазмунига мос келиши шарт.

6. Намойиш вақтида имкон чегарасида ўқувчилар иштирок этиши шарт.

15—маъруза. Амалий машғулотлар

Машқ, лаборатория ишлари, амалий ишлар амалий машғулотлар туркумига киради.

Машқ ақлий ва амалий ҳаракатларни эгаллаш ёки билим сифатини яхшилаш мақсадида такрорлашдир. Машқ барча фанларни ўзлаштиришда ва ўқув жараёнининг барча босқичларида қўлланиши мумкин бўлган таълим усулидир. У ўз характерига биноан оғзаки сўзлаш, ёзма такрорлаш, график чизиш ва бошқа меҳнат турларидан иборат бўлиб, мураккаблигига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

1. Маълум билимни пухталаш учун такрорлаш ва қайта такрорлаш машқлари.

2. Билимни янги шароитда қўллаш машқлари.

Машқдан кутиладиган натижалар қуйидагилардан иборат:

1. Оғзаки машқлар фикрлаш, нутқ, хотирани ривожлантиради, улар ривожлантирувчи ва тежамли.

2. Ёзма машқлар фикрлашни, ёзма нутқ маданиятини, мустақилликни ривожлантиради

3. График машқлар расм, схема, график чизиш, технологик карталар тайёрлаш, альбом, плакатлар, стендлар ясашдан иборат.

4. Ниҳоят, машқ ишлаб чиқариш, меҳнатга йўналган фаолият бўлиб, у ўқув, меҳнат машқларини ташкил қилади.

Машқлар махсус шартлар бажарилганда, ўқувчилар машқни бажаришга онгли ёндашганда, машқни бажариш вақтида дидактик тартибга ва узлуксизликка амал қилганларида самарадор бўлади.

Лаборатория машғулотлари ўқитувчи топшириғи билан ўқувчиларнинг асбоблар ёрдамида тажриба ўтказишидан иборат. Лаборатория машғулотлари кўрғазмали ёки изланишли характерга эга бўлади. Бу айрим ходисаларни узоқ вақт кузатиш, ўсимликлар ўсишини қайд қилиш, турли жониворларнинг ривожланишини, об – ҳаво ўзгаришини, табиат ходисаларини, булутларни кузатишдан иборат бўлиши мумкин.

Амалий машғулотлар фаннинг бирор қисмини ўзлаштиргандан сўнг ўтказилади ва умумлаштирувчи характерга эга бўлади, улар мактабдан ташқарида ўтиши мумкин.

Дидактик ўйинлар таълим жараёнида қўлланадиган актив ўқув фаолияти бўлиб, ўзлаштирилаётган билимларни, ходисаларни, воқеаларни моделлаш имконини беради. Бу фаолиятнинг асосий хислати ўқув предмети сифатида инсон фаолиятининг намоён бўлишидир. Дидактик ўйинда ўқиш фаолияти асосий фаолият бўлади. Дидактик ўйин жамоанинг аниқ мақсадли ўқув фаолияти бўлиб, ҳар бир иштирокчи ва ҳар бир команда муҳим вазифани бажаради ва голиб чиқишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Ўйиннинг асосий элементлари қуйидагилардан иборат:

1. Ўқув фаолиятини моделлаштириш.
2. Ўйин қатнашчиларининг биргаликдаги фаолияти.
3. Ўйин қоидалари.
4. Ўзгарувчи шароитларда қарор қабул қилиш.
5. Қўлланувчи ечимнинг фойдали

Таълим воситалари

Ўқитувчи ва ўқувчининг билимларни ўзлаштиришда фойдаланадиган моддий ва ғоявий буюмлари таълим воситалари дейилади.

Таълим воситалари ва усуллари ўзаро боғланган бўлиб, доим биргаликда ишлатилади, шунинг учун улар дидактикада ягона концепция ташкил қиладилар.

Дарсликлар, қўлланмалар, жадваллар, моделлар, макетлар, кўргазма воситалари, ўқув — техника воситалари, ўқув — лаборатория жиҳозлари, бинолар, столлар, стуллар, ўқув кабинетлари жиҳозлари, микроклимат, дарс жадваллари ва бошқалар таълимнинг моддий воситалари дейилади. Ўқувчилар янги билимларни ўзлаштиришда фойдаланадиган аввал улар ўзлаш — тирган билим ва малакалар маданий меросни, янги маданий бойликларни ўзлаштириш қуроли бўлади ва ғоявий воситалар дейилади. Моддий ва ғоявий воситалар бир — бирини тўлдиради. Уларни таълим усуллари билан қўшиб олиб борилганда бу воситалардан фойдаланишнинг таъсирчанлиги катта бўлади. Таълим усуллари ва воситаларининг боғланиши бир хил маънода эмас: таълим воситалари кўпинча турли усуллар билан қўшиб олиб борилади ва, аксинча, таълим усули турли таълим воситалари билан боғланган ҳолда олиб борилиши мумкин.

Замонавий таълим усуллари таълимнинг техник воситаларини ишлатишни талаб қилади. Таълимнинг техник воситалари ўқув ҳодисаларининг ривожланиши, динамикасининг кўрсатиш имконияти кенглиги учун ўқув усуллари кескин ўзгартира олади. Улар

ўқувчиларнинг билим ўзлаштиришини ташкил қилади ва йўналтиради, таълим мазмунини ойдинлаштиради, ўқув манбаи ва ўқув ахбороти ўлчовининг биргаликдаги вазифасини бажаради, ўқувчиларнинг билимга қизиқишини рағбатлантиради, баъзи шароитда ўқувчиларнинг ўқишга бўлган қизиқишларини кўтаради, уларнинг ўзлаштирган билимларини назорат қилишга имкон яратади.

Фаолият субъекти сифатида таълим воситаларини ўқитиш ва ўқиш воситаларига ажратиш мумкин. Тажриба, намоиш жиҳозлари, лаборатория амалиёт жиҳозлари ўқитиш воситалари ҳисобланади.

Ўқитиш усуллари ва воситалари ўқитувчининг ахборотлаштириш ва бошқариш функциясини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга. Бу воситалар ўқувчиларда билимга қизиқиш уйғотади ва, маълум даражада ўзлаштирган билимларини хотирада тутиб туришга ёрдам беради, ўқув материалнинг кўرғазмали бўлишини, ўрганилаётган материал ҳақида тўла ва аниқ маълумот берилишини, мустақил ишлашни, уни индивидуал шаклда олиб боришни таъминлайди. Таълим воситалари янги материални тушунтирувчи, билимни мустаҳкамловчи ва назорат воситаларига ажратилади.

Таълимнинг усули ва воситаларининг фойдалиқ даражаси режалаш тизимига ва ўқитувчининг дарсдаги маҳоратига боғлиқ. Мантиқан мураккаб мавзунини тушунтириш вақтида тажрибани тушунтиришдан кейин кўрсатиш маъқул, технологик жараённи сўзлашни намоиш қилиш билан бирга олиб бориш керак, муаммоли ўқитишда аввал тажрибани кўрсатган тавсия

қилинади. Намойиш вақтида ўқувчиларнинг кўриш сенсорларининг яхши ишлашини таъминлаш керак; намойиш вақтида инсон кўзи тикилиб кўрган ҳодисани яхши эслаб қолади. Шунинг учун ўқувчилар кўриши зарур бўлган белгиларни уларга таъкидлаш, уларни турли кўрсаткичлар билан белгилаш ва эътибор бериш зарур бўлган элементларни кўрсатиш керак.

Ўқитувчидан намойиш вақтида қуйидаги қоидаларга риоя қилиш талаб қилинади:

Ўқитувчи синфга қараб туриши, кўрсатилаётган объект унинг олд томонида ёки ёнида бўлиши шарт. Намойиш қилинаётган жисм ёки ҳодисани барча ўқувчилар тўла кўриши керак. Ўқитувчи кўрсатиши, изохлаши ва шу вақтнинг ўзида синфдаги ўқувчилар ҳаракатидан огоҳ бўлиши керак. Кўрғазмали элементларни кўрсаткич билан кўрсатиш керак. Ўқитувчи синфга орқа ўгириб турса, унинг нутқи яхши эшитилмайди, кўрсаткични кўрмайди ва ўқувчиларнинг турли томонларга чалғишига олиб келади. Ўқитувчининг нотўғри ҳаракати синфда шовқин кўтарилишига сабаб бўлади, ўқув материалининг тушунилишини қийинлаштиради, ўқувчи онгида нотўғри тушунчалар ҳосил қилади.

Ўқувчилар турли манбалардан ахборот олади, бу, ўз навбатида, ўқитувчи функциясининг ўзгаришини талаб қилади, ўқитувчининг турли ҳолатларни, гипотезаларни, концепцияларни ҳисобга олишини ва таҳлил қила билишини тақозо қилади.

Ҳар бир воситани ишлатиш меъёрида бўлиши керак. Кўрғазмали воситаларнинг йўқлиги ёки озлиги маъруза сифатини пасайтиради. Намойиш воситаларининг ҳаддан ташқари кўплиги

ўқувчилар диққатини пасайтиради, ўқишдан чалғитади. Текширишлар бир соат дарс вақтида 4 хил намойиш етарли эканини кўрсатди. Намойиш қилинувчи буюмлар, расмлар орқа ўриндиқдан яхши кўриниши шарт. Зарур бўлганда, оптик катталаштириш ёки экранга проекциялаш керак.

Муомала воситалари

Шахс фаоллигининг муҳим шартларидан бири бахс қатнашчиларининг ўзаро ахборот алмашишидир. Муомала жараёнида ахборот шифрланади, узатилади, қабул қилинади ва тикланади. Муомала вақтида билимлар, маънавий бойликлар, қоидалар алмашинади. Муҳим ва шахсий аҳамиятта эга бўлган ахборотларнинг алмашиниши коммуникация дейилади. Инсоннинг асосий ва умумий фаолиятдан бири сигнификация бўлиб, у белгилар танлаш ва уларни ишлатишдан иборат. Белгилар ёрдамида ўқитувчи ахборот таъминини амалга оширади. Ўқитувчи нутқи унинг имконини ва фикрлашини характерлайди. Таълим жараёнида 3 турли коммуникация ишлатилади: лингвистик (оғзаки ва ёзма ахборот алмашиш), семиотик (белгилар, тенгламалар, чизмалар) ва паралингвистик (имо – ишора , мимика)

Нутқ таълим ва ўқитиш воситаси бўлиб, унинг ёрдамида ўқитувчи ўзини намоён қилади, ўз руҳини, ақлини, сезгиларини, эркини, характерини, темпераментини, суҳбатлашиш маҳоратини, ўқувчиларга, ўқув фанига муносабатини билдиради. Ўқитувчи нутқидан ўқувчилар ишга муносабатни ва сезгиларни оладилар. Улар севишга севги билан, бефарқликка бефарқлик билан жавоб берадилар.

Ўқитувчи нутқида қуйидаги элементлар бўлиши керак: ахборот, руҳланиш, ишонч, ҳаракатга чақириқ ва шодланиш.

Ўқитувчи нутқи ўқувчиларнинг жавоб таъсирини чақиради. Унда ақл, сезги ва эрк ташкил этувчиларини ажратиш мумкин. Ақлий таъсир ўқитувчи нутқида мантиқий исбот мавжудлиги билан эришилади. Исбот дедукция ва индукция усуллари билан амалга ошади. Индукция хусусий ҳоллардан умумий қонун келтириб чиқариш бўлиб, 3 хил усулда амалга ошади: индуктив, умумлаштириш, ўхшатиш ва боғланишлар ҳақида фикр юритиш.

Дедукция ҳам 3 қисмдан иборат бўлади:

1. Аксиома — тўғрилиги исботсиз қабул қилинадиган постулат, асосий бош қонун.
2. Мантиқий хулоса.
3. Хулоса.

Дедукция, ўз навбатида, 3 хил кўринишда ривожланади:

1. Умумий қоидадан хусусий ҳолга ўтиш.
2. Бир умумийликдан иккинчи умумийликка ўтиш.
3. Яккадан хусусий ва умумий ҳолга ўтиш.

Ўқувчиларнинг билимга қизиқишини рағбатлантирувчи ва бу ҳолатни ушлаб турувчи шартлардан бири ўқитувчининг ўз фанини чуқур билишидир. Ўқитувчи фанни қанчалик чуқур билса, у шунчалик содда ва қизиқарли қилиб маърузани баён қилади. Ҳар бир ҳодисанинг тараққиёти зиддиятлар асосида бўлади. Бу зиддият қарама — қаршиликлар курашини келтириб чиқаради.

Ўқувчиларнинг билимга қизиқишини ўз ўрнида ишлатилган ҳазил, аския орттиради.

Ҳазилни таълимнинг барча босқичларида ишлатиш мумкин. Турли қизиқ воқеалар, англашилмовчиликлар, муболага, инсоннинг, жамиятнинг турли камчиликлари ҳазилга мавзу бўлиши мумкин. Шаклга кўра ҳазилнинг қуйидаги кўринишлари бўлиши мумкин: ҳангома, кесатиш, ҳазил, латифа, мақол, турли маъноли гаплар ва ҳ. к. Улар ўқитувчи нутқида ишлатилиши мумкин. Ўқитувчи нутқи унинг фикрини, сезгиларини ифодалаш қуролидир. Ўқувчилар ўқитувчининг фикрини, сезгисини тушунишга ва эслаб қолишга ҳаракат қиладилар. Бунга эришиш учун ўқитувчи ўз нутқида қуйидаги талабларга риоя қилиши керак:

1. Нутқнинг грамматик тўғри бўлиши,
2. Фикрнинг аниқ бўлиши,
3. Ҳар бир сўзнинг ўз ўрнида ишлатилиши,
4. Нутқнинг тежамли бўлиши,
5. Иборали сўзлар ишлатилиши.

Ўқитувчининг ўз нутқида турли атамаларни, тушунчаларни, мураккаб гапларни ишлатилиши ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасига, ёш хусусиятларига боғлиқ. Ўқувчиларга тушунтириш вақтида уларда ижобий сезги ҳосил қиладиган иборалар ишлатиш ўринлидир.. Илмий атамаларни уларнинг маъносини тушунтириш билан ишлатиш тавсия қилинади.

Нутқнинг тежамлилиги унинг қисқа ва аниқ бўлишида, ортиқча сўзларни ишлатмасдан мавзу моҳиятини қисқа ва аниқ баён қилишда намоён бўлади. «Мана шу», «менимча», «авваламбор», «керак бўлса», «такрор айтаман», «ааааа» , каби иборалар педагог нутқининг сифатини тушириб юборади.

16-маъруза.

Дидактика воситалари

Дидактика воситалари ўқув ахбороти билан ўқувчилар ўртасида жойлашади. Уларнинг вазифаси моддий бойлик ишлаб чиқарувчи меҳнат воситаларига ўхшайди. Дидактика воситалари ўқувчиларнинг билим олиш жараёнида уларнинг ақлий ривожланишига таъсир қилади. Дидактика воситаларидан масала ечишда, билим ўзлаштиришда фойдаланилади. Дидактика воситаларига қуйидагилар киради: карталар, схемалар, жадваллар, лаборатория машғулоти учун жиҳозлар, ўқув устахоналаридаги меҳнат воситалари ва бошқалар. Ўқувчилар масала шартларини тушуниши, унинг ечимини топиши учун ишлатадиган ҳар қандай буюм дидактика воситаси бўлиши мумкин.

Дидактика воситалари ўқув жараёнига икки хил усул билан киритилиши мумкин:

1. Ўқитувчи уни дарсликда баён қилинганидек тайёр ҳолда тушунтиради.

2. Ўқитувчи назарий масалаларни ҳал қилишда дидактик воситани ўқувчилар билан ҳамкорликда ясайди, уларни қўллаш алгоритминини ишлаб чиқади.

Амалда дидактик воситани тузишнинг, ишлашнинг ва фойдаланишнинг уч хил усули мавжуд:

1. Дидактик воситалар етарли даражада қадрланмайди, уларнинг билим олишдаги аҳамияти камситилади ва тахта билан бўрга жуда юқори баҳо берилади. Бу хил ўқитувчилар интериоризацияни инкор қиладилар ва механик ёдлашни юқори даражага қўядилар.

2. Дидактик воситалар мутлақлаштирилади, улар билим ўзлаштиришдаги ягона усул сифатида қаралади, бошқа барча усулларнинг таълим воситаларига мослашишини талаб қиладилар, ўқувчилар билан бирга доим янгидан — янги таълим воситаларини ишлаш билан шуғулланадилар. Уларни таълим усталари ўзлаштиришда доим юқори натижага эришувчи устоз сифатида намуна деб ҳисоблайдилар.

3. Таълим воситалари ўқитувчи билан ўқувчининг ҳамкорликдаги фаолияти давомида қўлланадиган усуллардан бири деб қаралади. Улар бошқа ўқув компонентлари қаторида ўқувчиларнинг ақлий ривожланишини ва билимлари сифатининг яхшиланишини таъминлайдилар. Янги ўқув воситаларини ишлаш ва улардан фойдаланиш ўқувчилар ҳаракатини ва ҳолатини ўзгартиради, янги ўқув воситаларини тушунишга ёрдам беради. Бу, ўз навбатида, ўқувчиларнинг ўзлаштиришини яхшилади, ақлий ривожлантиради. Тажрибалар ўқувчилар билан ҳамкорликда таълим воситаларини тайёрлаш уларнинг билимини, ақлий фаолиятини тараққий эттирувчи восита сифатида таъсир қилишини кўрсатди.

Таълим фаолиятида моддий ва маънавий дидактик воситалар ишлатилади. Ақлий фаолиятни маънавий воситалар ривожлантиради, улар вазифа шарти ва иш технологияси сифатида, натижавий маҳсулот тимсоли билан биргаликда фикрлаш компонентлари таркибига киради.

Ўқувчиларнинг мустақил иш бажаришлари вақтида дидактик материал сифатида ишлатилувчи ўқув карталарини, жадвалларни кўрамыз. Улар

таълим амалиётида шаклланган аниқ ишлатиш усули билан татбиқ қилинади.

Ўқувчилар билан ҳамкорликда ўқув карталарини ишлаб чиқиш ва уни масалалар ечимида ишлатиш муҳим илмий аҳамиятга эга.

Ўқув кабинети жиҳозлари

Барча ўқув ахборотини ўрганиш учун зарур бўлган моддий ўқув воситалари қуйидаги қоидалар асосида тузилади.

1. Жиҳозлар педагогик талабларга тўла жавоб бериши, муҳим ҳодисаларни кўргазмали тасвирлаши, осон тушуниладиган, барча кўра оладиган, чиройли бўлиши керак.

2. Барча жиҳозлар бир — бирига мос бўлиши ва намоиш талабларига жавоб бериши керак.

3. Таълим воситаларининг миқдори ва турлари ўқув дастури эҳтиёжларини тўла қондириши ва ундан ортиқ бўлмаслиги керак.

4. Таълим воситалари мактаб шароитига мос бўлиши ва маҳаллий аҳоли талабларига жавоб бериш керак.

Таълим воситалари тизимини ташкил қилишнинг энг мақбул шакли фан кабинети дир, унда барча таълим воситалари бир фанга мос бўлади.

Кабинетда ёрдамчи хоналар бўлиши керак. Кабинетда тажрибалар тайёрланади, намоишлар ҳозирланади, кўргазмали қўлланмалар, жадваллар, карталар, турли жиҳозлар сақланади, асбоблар учун жавонлар, таъмирлаш учун стол, турли қуроллар сақлаш учун жавонлар, ёзув столи, ўқитувчилар учун жойлар бўлиши керак. Дарсга тайёрланиш

вақтини тежаш шарт, кабинетда иккитадан ортиқ ўқитувчи дарс ўтмаслиги керак.

Кабинетда кўргазмали қурооларни намоёиш қилиш учун шароит яратиш керак, улар ўзгарувчи ва доимий электр токи манбалари, ерга улаш, қоронғи парда тутиш, проектор, экран, тагликлар, ёруғлик кўрсаткичи, стендлар ва ҳар бир мавзу учун кўргазмали қўлланмалар бўлиши, улар учун картотекалар тузилиши керак. Кўргазмали қурооларнинг етишмаслиги ўқувчилар билимларининг сифатига, ўқувчилар фаоллигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу билан бирга кабинетни кўргазмали қуроолар билан тўлдириб юбориш яхши натижа бермайди. Кўргазмали қуроолар қуйидаги вазифаларни бажарадилар:

1. Мактаб шароитида кўрсатиш мумкин бўлмаган ҳодиса ва жараёнлар билан ўқувчиларни таништиради,

2. Бирор буюмнинг тарихий ва замонавий шакллари билан таништиради,

3. Бирор механизмнинг тузилишини, ишлашини, техника хавфсизлигига риоя қилишни намоёиш қилади,

4. Ҳодисанинг параметрларини ўлчайди, бошқа ҳодиса билан таққослайди,

5. Буюмни лойиҳалайди, ясайди ва унинг ишлатилиш босқичларини тасвирлайди ,

6. Фан тарихи билан ва унинг ривожланиш босқичлари билан таништиради.

Таълим жараёнида коллекциялар ва моделлар муҳим аҳамиятга эга. Янги материални тушунтириш вақтида буюм моделини, кўпинча, фанерадан, картондан, қоғоздан ишлаб, деворга, тахтага осиб қўйиладиган намоёиш коллекциялари ишлатилади.

Улар кичик ўлчамда тайёрланади ва қутиларда сақлачади.

Типографик қўлланмалар арзон, юқори сифатли бўлиб, тез ва кўп миқдорда чиқарилади. Жадвал ва плакатлар қуёш нуридан сақланиши керак. Моделлар 3 турли тайёрланади:

1. Буюмнинг ҳаракат қоидалари ифодаланади.
2. Механизмнинг тузилиши ва ишлаши кўрсатилади.
3. Объектнинг ташқи кўриниши тасвирланади.

Электр схемани тасвирловчи моделлар катта қоғозда ёйилган ҳолда тасвирланади.

Таълимнинг техник воситалари

Ўқитувчига ўқувчиларни ўқув ахбороти билан таъминлашда ёрдам берувчи қурилмалар таълимнинг техник воситалари дейилади (ТТВ). ТТВ хотиралашда, билимларни тушунишда, уларни қўллашни ўзлаштиришда, таълим натижаларини назорат қилишда яхши натижа берадилар. Уларда ахборот таъминоти режаларини сақловчи ва тикловчи блоклар мавжуд.

ТТВ нинг қуйидаги кўринишлари мавжуд: ахборотли, дастурли таълим, билим назорати, тренажерлар ва кўпқиррали техник воситалар. Уларга қуйидагилар киради: кинопроекторлар, диапроекторлар, эпипроекторлар, шахсий компьютерлар ва компьютерли синфлар. Мактаблар умумий ва махсус техник воситалар билан жиҳозланмоқда. Улар чет тилларни ўргатувчи лингафон кабинетлари, физикани ўргатувчи комплекслар, кимёни, биологияни, математикани ўргатувчи махсус синфлар ва бошқалардир.

Мактабларда таълим берувчи шахсий компьютарлар қўлланмоқда. Улар турли фанларни ўргатишга ихтисослашган бўлиб, ўқувчиларнинг билим ўзлаштириш фаолиятини бошқарувчи дастурлар билан таъминланган. Дарсда шахсий компьютарлар вақти билан ёки доим қўлланиши мумкин. Замонавий шахсий компьютарлар экранлари қаттиқ ёки суяқ кристаллардан тузилган, батареядан, аккумулятордан, электр тармоғидан энергия олишга мослашган бўлиши мумкин.

Электрон нури найдан тузилган шахсий компьютарлар маънавий эскирган бўлиб, танага таъсир қилувчи кўплаб рентген нури беради.

Замонавий шахсий компьютарлар матнни қайд қилиш билан бирга чизмаларни чизувчи, товушли, мультимедияли кино — ва видео тасвирларни кўрсатувчи қўшимча қурилмалар билан таъминланган. Улар мултимедия дейилади (кўп вариантли муҳит). Барча қўшимча мосламалар ЭҲМ ичида жойлашган бўлиб, оддий шахсий компьютарлардан ташқи кўриниши билан фарқланмайди.

Техник воситалардан фойдаланишда ўқувчиларга улардан фойдаланиш усуларини тушунтириш керак. Бу ҳолда таълим воситаси ўрганилувчи буюм вазифасини бажаради. Техник воситалардан фойдаланиш вақти таълим жараёнига таъсир қилади. Уларни кўп ишлатиш таълим жараёнига оз фойда беради. Узоқ вақт давомида кузатишлар дарс вақтининг 1:8 қисмида техник воситаларни ишлатиш фойдали эканини кўрсатди. Бунда техник восита ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотади. Техник воситаларни ишлатиш вақти ҳам катта аҳамиятга эга..

Дарс бошида ТВ ни ишлатиш дарсга ўқувчиларни тайёрлаш вақтини 3 минутдан 30 секундгача камайтиради, Одатда, ўқувчиларнинг толиқиши ва диққатининг пасайиши дарс бошлангандан 10 минут ўтгач содир бўлади, шунинг учун техник воситалардан дарснинг 15 — 20 минутлари орасида фойдаланиш тавсия этилади. Янги материални ўрганиш вақтида ўқувчилар 30 минутдан сўнг чарчайдилар.

Техник воситалардан фойдаланиш асосида зиддиятларнинг қарама — қаршилиги ва кураши ётади. Бу зиддиятлар янги мураккаб билимлар билан ўқувчилардаги етарли бўлмаган билимлар, малака ва кўникмалар ўртасида вужудга келади. Техник воситалардан фойдаланишдаги зиддиятлар қуйидагилардан иборат:

1. Материални ўқитувчи томонидан мантиқий кетма — кет изохлаш билан ўқувчи томонидан пала — партиш ўзлаштириш ўртасидаги зиддият,
2. Изохланаётган материалнинг ўқитувчи ва ўқувчи томонидан турлича тасаввур қилишлар ўртасидаги зиддиятлар,
3. Материални ўқитувчи томонидан баён қилиш билан ўқувчининг тушуниши ўртасидаги зиддият,
4. Ўқувчининг назарий билими билан уни амалда қўллаш малакаси ўртасидаги зиддият,
5. Ўқувчида бор бўлган билим билан янги ўзлаштирилаётган билим ўртасидаги зиддият,
6. Ўқувчида мавжуд бўлган малака ва кўникма билан янги ўзлаштирилаётган малака ва кўникма ўртасидаги зиддият,
7. Ўқувчи тушунган материал билан уни оғзаки ёки ёзма баён қилиш ўртасидаги зиддият.

Таълим техника воситаларининг имкониятлари

Техник воситаларнинг таълим жараёнида кенг миқёсда қўлланиши уларнинг таълим шакллари ва усулларини янада такомиллаштиришда тутган ўрнидадир. Таълимнинг техник воситалари турли дидактик ва тарбиявий вазифаларни ҳал қилишда катта имкониятларга эга. Техник воситалар талабалар томонидан ўқув ахборотларини чуқурроқ тушунишга, уларда амалий малакалар шакллантиришга кенг имконият яратади, таълим жараёнини бошқариш ва назорат қилишда катта самарадорликка эришиш имконини беради. ТВ ёрдамида ҳодисалар моделлаштирилади, билимлар чуқур ўзлаштирилади, ҳодисанинг муҳим томонлари ойдинлаштирилади.

Техник воситалар ҳодисаларни таҳлил ва синтез қилишда, ўқувчилар диққатини жамлашда, кузатувларни ташкил қилишда, ўқитувчининг таълим бериш имкониятларини кенгайтиришда, ўқувчилар мустақиллигини ва фаоллигини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Ахборот, назорат ва машқ техника воситалари ўқувчиларнинг билим олишдаги изланиш имкониятларини, ташаббускорлигини кенгайтиради. Техник воситалар педагогни иккинчи даражали ишлардан холос қилади ва унинг бошқариш функциясини кенгайтиради. Материални нутқий баён қилишни табиий, иборали, динамик хусусиятларга эга бўлган воситалар орқали бойитади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, техник воситалар ўқув ахбороти ташувчилиги билан бирга таълим жараёнини оптималлайди, ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштиришга қулай

ҳолда етказади, уларнинг мустақиллигини ва билим олишга интилишларини рағбатлантиради, ўқувчилар малакаларини фаол шакллантиради, ўқувчи томонидан таълим жараёнини ва унинг натижаларини бевосита назорат қилиш имконини беради, ўқитувчининг дарсга тайёргарлигини енгилаштиради ва таълим жараёнини бошқаришда кенг имкониятлар яратади

Таълимнинг кўргазмали воситалари

Таълимнинг кўргазмали техник воситалари шаклига кўра табиий, тасвирий, схематик ва символик гуруҳларга бўлинади.

Табиий шакли ўрганилаётган қурилма ёки объектларнинг аниқ намуналарини кўрсатиш имконини беради. Улар технологик жиҳоз, технологик жараён, тажрибалар, машина макетлари, механизм бўлаклари, турли жонзотларнинг кўриниши, тана аъзоларининг намунаси, ўсимликлар дунёсидан олинган табиий намуналар ва бошқалар бўлиши мумкин.

Буюмни икки ўлчамли текисликда тасвирлаш тасвирий кўргазмага тааллуқлидир, қурилманинг асосий муҳим элементларини икки ўлчамли ясси шаклда тасвирланиши схематик тасвирлаш дейилади.

Турли катталикларни математик амаллар, ҳарфлар орқали белгилаш, математик ифодалар, турли боғланишларни график тарзда тасвирлаш, диаграммалар, гистограммалар, гектограммалар символик шаклда тасвирлаш дейилади.

Айтиш мумкинки, таълимнинг техник воситалари таълимнинг умумий таъсирчанлигини оширади, қийин бўлган материални ўқувчиларга

осон тушунтириш имконини беради. Шунга қарамай, аксари коллеж, лицей, мактаб ва олий мактаб муассасаларида таълимнинг плакатлар билан тўлдирилувчи нутқий шакли амалда кенг қўлланилмоқда. Қўйилган расм бутунлигича намоёниш қилинади. Ўқувчининг диққати турли томонга ёйилади ва керак бўлган асосий қисм эътибордан четда қолади. Изланишлар шаклнинг керак бўлган қисмини экранда ёки тахтада ўқитувчининг бевосита тушунтириши давомида чизгандагина яхши натижа беришини кўрсатди, дарс сўнгида ўтилган мавзу бўйича қисқа кинофильм кўрсатиш фойдалидир. Шундай тартибда дарс ўтилганда, ўқувчиларнинг диққати керакли жойда жамланади, керагидан ортиқ расмнинг тахтада ёки экранда бўлмаслиги ўқувчи диққатини чалғитмайди.

Ўқув ахборотини ўзлаштириш самарадорлиги ўқув материални баён қилиш тезлигига боғлиқ. Дидактик воситалар ўқув материални тушунтириш тезлигини кескин орттириш имконини беради. Бу тезлик, албатта, меъёрида бўлиши керак. Тезликни хаддан ташқари орттириш ўзлаштиришни камайтиради. Тезликнинг юқори чегараси турли шароитларга боғлиқ.

Ўқувчиларнинг қизиқувчанлигини, билимга бўлган талабларини қондириш уларнинг мустақил ишлашларига боғлиқ, чунки барча ўқувчиларнинг билимга бўлган талаблари дарс вақтида турлича бўлади. Бу мақсадда мустақил ишлаш синфлари, кутубхонада ўқув хоналари ажратиш ва уларни керакли техник воситалар билан таъминлаш керак. Бу дидактик воситалар диа-, кино-, видеофильмлар, диапозитивлар кўриш ва

фонотекалардан эшитиш имкониятларини кенгайтириши керак.

Машгулот ўтказишни такомиллаштириш, ўқув — тарбиявий ишларни ташкил қилиш, унинг характерини ўзгартириш, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг меҳнат фаолиятини, синфдан ташқари ишларини, тарбия усулларини ташкил қилишни ўзгартириш билан амалга оширилади. Ўқитувчи ўқув ишларини ташкил қилишга раҳбар, қўйилган вазифаларни бажаришда маслаҳатчи бўлиб қолади. Ўқитувчи фаолиятининг маркази ўқитиш воситаларидан ўқиш воситаларига, ижрочидан яратувчи томонга сурилади. Техник воситалардан фойдаланиш ўқитишни тубдан ўзгартиради. Ўқувчи ўқув жараёнининг пассив иштирокчисидан янги воқеа, ҳодиса, қонунларни ўзи учун кашф қилувчи фаол шахсга айланади.

Ўқув куни давомида ўқитувчилар, таълим усталари ва ўқувчиларга катта психологик юклама тушади. Бунинг натижасида кузатиладиган толиқиш фанни ўқитувчи томонидан баён қилиш ва ўқувчи томонидан ўзлаштириш сифатини кескин камайтиради. Техник воситалар эса ўқитувчи функциясининг катта қисмини ўз устига олади ва ўқитувчи меҳнатини сезиларли даражада енгиллаштиради. Ўқитувчи дарс вақтида бажарадиган ишларни, ўқув ахбороти бериш, қўшимча маълумотлар ва материаллар кўрсатиш, олинган билимларни мустаҳкамлаш учун бериладиган машқларни индивидуаллаштириш, ўқитувчининг ўқувчилар ишини текшириш каби ишларини техник воситалар бажаради, қўшимча машгулотлар ўтказиш учун вақт тежаш имконини беради. Техник воситалар назоратнинг асосий қисмини, ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини,

уларнинг таълимга бўлган муносабатини аниқлаб беради. Назорат натижаси ўқитувчининг навбатда қиладиган ишларининг йўналишини аниқлаш, ўқитишдаги муваффақият ва нуқсонларни белгилаш, уларни йўқотиш имконини беради. Техник воситалар ёрдамида қўйилган баҳо ўқувчида шубҳа туғдирмайди, уни ўқувчи ҳақиқий деб қабул қилади. Техник воситалардан фойдаланиш ўқувчилар орасидаги тарбиявий ишлар самарадорлигини кескин оширади.

Таълимнинг техник воситалар билан жиҳозланишининг замонавий ҳолати

Ўқув муассасаларини таълимнинг техник воситалари билан жиҳозлаш соҳасида мамлакатда катта ишлар қилинмоқда. Аммо техник воситалар билан жиҳозлаш ҳозирги кун талабига жавоб бериш даражасида эмас. Бу иш катта маблағ талаб қилади. Олий мактаб, коллеж, лицей, умумтаълим мактабларининг техник воситалар билан жиҳозланиши мутлақо қониқарсиз. Барча тоифадаги педагогларнинг техник воситалар билан ишлаш, техник воситаларни таъмирлаш соҳасида малакаларини ошириш керак. Таълимнинг техник воситаларини қўллашга тўсқинлик қиладиган сабаблар қуйидагилардан иборат:

1. Таълимнинг техник воситалари етишмайди, борлари замонавий талабларга етарли даражада жавоб бермайди. Мавжуд дидактик воситаларнинг имкониятлари жуда чекланган, техник тузилишлари улардан фойдаланишни қийинлаштиради. Турли техник воситаларнинг ўзаро боғланиши масаласи ҳал қилинмаган. Техник

воситаларни қўллашнинг илмий асосланган усуллари ишлаб чиқиш керак.

2. Таълимнинг техник воситаларини қўллашга яна бир жиддий тўсқинлик қилувчи сабаб педагогларнинг бу соҳадаги билимларининг саёзлиги, уларни ўқув жараёнида қўллай билмасликларидир. Ўқитувчиларни техник воситалардан фойдаланиш бўйича тайёргарлигининг етишмаслиги ҳам жиддий сабаблардан биридир. Таълим жараёнида техник воситаларни намойиш қилиш асосий мақсад бўлмасдан, унинг ўқитувчига ёрдам бериш, ўқув тарбиявий жараёнга техник воситаларнинг кириша олиши ва педагогик вазифани бажаришдаги иштироки муҳимдир. Ёш педагоглар учун шу масала катта муаммо бўлиб қолмоқда. Техник воситалар ёрдамида дарс ўтишга тайёрланаётиб, ўқитувчи қуйидаги ҳолатларга эътибор бериши шарт:

а) техник восита қўлланадиган материални ажратиши ва уни қўллашнинг педагогик мақсадларини аниқлаштириши,

б) вазифани ҳал қилувчи материални фонддан ажратиб олиши.

в) материал билан танишиши, уни қўллаш усуллари аниқлаши.

г) материалнинг дарсдаги ўрнини ва фойдаланиш вақтини аниқлаши.

3. Ўқитиш жараёнида таълимнинг техник воситаларини қўллашни қийинлаштириш сабаби аксарият ўқитувчилар ва ўқув усталарининг техник воситаларни бошқариш малакаларининг етарли эмаслиги.

4. Техник воситаларнинг озлиги, ўқув фильмлар билан ўқув муассасаларининг таъминланмаганлиги, диапозитив, диафильм — ларнинг йўқлиги, овозли ахборот воситаларининг йўқлиги.

5. Мавжуд техник воситаларнинг тор дидактик имкониятлари ва қимматлиги.

Тренажерлар, назорат машиналари, автоматлашган дастурли таълим синфлари қиммат ва етарли миқдорда эмас. Янги техник воситаларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жуда оз эътибор берилмоқда. Шахсни ривожлантирувчи, таълим берувчи машиналар, ўқувчилар билан индивидуал ишлайдиган қурилмалар, акс боғланишни таъминловчи машиналар, ўқувчиларнинг мустақил ишлашини таъминловчи машиналар ишлаб чиқаришда йўқ.

6. Техник воситалардан фойдаланувчи илғор педагогик тажрибаларни умумлаштириш ва оммалаштиришнинг етарли эмаслиги, доимий ишловчи услубий семинарларнинг, техник воситаларни ишлатишни ўргатувчи курсларнинг йўқлиги, педагогик кенгашларда, конференцияларда техник воситаларни қўллашга етарли эътибор берилмаслиги, раҳбар ходимларнинг техника воситаларига, техник воситалардан фойдаланишнинг самарадорлигига эътиборининг камлиги, уларни қўллашга илмий техник тавсияларнинг йўқлиги.

7. Дидактик воситалар мажмуаси фойдали иш коэффициентининг озлиги, дидактик тасвирий материалнинг етарли эмаслиги.

17-маъруза.

Дидактик воситаларни тоифалаш

Ахборот бўйича дидактик воситаларни тоифалаш қуйидагидек бўлиши мумкин:

1. Ахборот воситалари тўғри боғланиш каналига уланади. Гуруҳли ўқитишда фронтал усулни таъминлайди, барча ўқувчилар учун бирхил тезликда, бир хил мураккабликда ахборот берилади. Индивидуал ўқитишда ҳар бир ўқувчи мустақил ахборот каналига уланади.

2. Назорат воситалари акс каналга уланади. Ўқувчиларнинг ўзлаштиришларини индивидуал назорат қилади. Назоратни тизимлаш, назоратга барча ўқувчиларни жалб қилиш имконини беради.

3. Ахборот назорат воситалари ўқитувчи иштирокисиз таълим функцияларини амалга оширади.

4. Қайд қилиш воситалари. Таълим жараёни ҳақида дастлабки ягона тизимлашган маълумот йиғиш, ҳар бир ўқувчининг муваффақияти, қийинчилиги, фойдаланилаётган дастурнинг тушунарли бўлиши, усулларнинг етарлилигини назорат қилиш.

Дидактик воситаларни тоифалашнинг бошқа яна бир усули восита турлари бўйича қуйидагича бўлади:

1. Қўлланиши бўйича: ахборот берувчи, назорат қилувчи дидактик воситалар, тренажерлар ва ёрдамчи воситалар.

2. Тузилиши бўйича: аудио —, видео —, кичик кибернетик, рақамли, электрон моделловчи, электрон техникавий.

3. Чизиқли ва тармоқланган дастур билан мантиқий ишловчи воситалар.

4. Ҳуқуқчиларнинг сезги аъзоларига таъсир қилувчи техник воситалар: кўзга, қулоққа таъсир қилувчи ва комбинациялашган воситалар.

5. Акс боғланиш усули бўйича: акс боғланиши йўқ, танловли жавоб берувчи ва жавобни эркин тузувчи воситалар.

6. Таълим тури бўйича: индивидуал, гуруҳли, катта гуруҳга тузилган воситалар.

Педагогик функция бўйича дидактик воситаларни тоифалаш таълим жараёнига дифференциал ёндашишни ҳисобга олган ҳолда ўқитиш ва ўқиш функцияларини ажрата олишига қараб амалга ошиши керак. Улар қуйидагилардир:

1. Бевосита таълим жараёнида қўлланувчи воситалар.

2. Ҳуқуқувчи ўқитиш жараёнига тайёрланиш вақтида ва ўқув жараёнини бошқаришда ишлатилувчи воситалар.

Таълим жараёнида ишлатилувчи дидактик воситалар қуйидагидек тоифаланади:

!. Ҳуқуқчиларга ахборот берувчи таълим воситалари: кўргазмали, товушли, товушли ҳам кўргазмали, тактилли, ҳид сезиш орқали, сезги каналлари орқали.

2. Тренажерлар: умумехнат ва умумкасб малакаларини шакллантирувчи, аниқ йўналиш касб малакаларини шакллантирувчи, махсус касб кўникмаларини шакллантирувчи.

3. Дастурли таълим берувчи ва билимларни назорат қилувчи дидактик воситалар.:

а) ўқитувчи техник воситалар (маърузачи, маслаҳатчи, комбинациялашган),

б) назорат қилувчи дидактик воситалар (репетитор, имтиҳон олувчи),

4. Бирлашган техник воситалар: ахборотли ва назорат қилувчи, ахборотли ва машқ қилдирувчи, ахборотли, машқ қилдируви ва назорат қилувчи тренажерлар.

Ўқитувчи ёки ўқув устаси томонидан дарсга тайёргарлик вақтида ва таълим жараёнини бошқаришда қўлланувчи дидактик воситалар.

1. Ўқув жараёнини қайд қилиш ва назорат қилиш учун қўлланувчи дидактик воситалар: ўқув жараёни ҳақида маълумот йиғувчи, ўқув жараёнининг боришини тизимловчи, таълим жараёнининг боришини назорат қилувчи.

2. Ёрдамчи дидактик воситалар:

а) ўқитувчи дарсга тайёрланишида керак бўладиган ахборотни олиши ва қайта ишлаши учун,

б) жихозларни ва мосламаларни бошқариши учун,

в) дарс ўтишга ёрдам берувчи воситалар.

3. Таълим жараёнини бошқариш учун компьютерлар:

а) педагогик ахборотни йиғиш ва қайта ишлаш,

б) катта миқдордаги маълумотни қайта ишлаш,

в) жадвал ва турли педагогик ҳисоботларни тузиш.

Тренажерлар

Тренажерлар ўқувчиларда тўғри амалий ҳаракатлар шакллантириш, асбоблар, мосламалар, иш қуроллари билан ишлаш малака ва кўникмалари ҳосил қилиш, мустақил ишлаш фаолиятини яратиш учун ишлатилади. Улар уч гуруҳга бўлинади:

1. Турли касб – ҳунар мутахассисликларда умуммеҳнат, умумкасбий малакалар ҳосил қилувчи тренажерлар – аралаш, эговлаш, қирқиш ва бошқалар.

2. Йўналиш малакасини берувчи тренажерлар – автомобиль, учирни бошқариш, кимё, нефт саноати аппаратларида ишлаш, турли авариявий ҳолатларда бажариладиган ишлар, ўт ўчириш, портлашларда қилинадиган ишлар ҳақида малака олиш.

3. Пайвандлашда, йўл ҳаракати қоидаларини ўрганишда, сув ости кемаларида, ҳарбий ҳаракатларни бошқаришда малака ҳосил қилиш учун ишлатиладиган мураккаб тренажерлар.

Сунгги вақтларда дастурли ўқитиш ва билимларни назорат қилиш дидактик воситалари кенг қўлланмоқда. Индивидуал ўқувчилар ва гуруҳлар билимини назорат қилувчи қурилмалар ишлаб чиқилган. Улардан «К – 54», «Ласточка», «Киси – 7», «Киси – 5» ва бошқалар кенг қўлланмоқда. Автоматлашган тил ўргатувчи кабинетлар, турли фан лабораториялари, бшқарув пуьлтлари, киноаппаратлар, диапроекторлар, фильмоскоплар, эпипроекторлар, назорат воситалари ва бошқалар кенг қўлланмоқда.

Ўқув жараёнини қайд қилиш, уни назорат қилиш дидактик воситалари дарсга тайёрланиш ва уни бошқаришда кенг қўлланади. Дидактик воситалар кутубхоналарда ишлашда катта қулайликлар келтиради, керакли маълумотларни нусха кўчириш билан тез олиш имконини беради.

Компьютерлар ўқув жараёнини бошқаришда, ахборотларни тўплашда ва қайта ишлашда, ахборотдан кўчирма олишда катта қулайликлар беради.

Эшитиш ва кўриш дидактик воситалари катта педагогик қулайликларга эга бўлиб, қуйидаги вазифаларни бажаради:

1. Ҳуқувчиларга янги билимларни беради.

2. Илмий маълумоларни турмушда қўллаш имконини кўрсатади.

3. Илмий тажрибаларни намойиш қилади, космик фазодаги тажрибаларни, атомнинг, молекуланинг тузилишларини кўрсатиш имконини беради.

4. Олимларни, буюк давлат арбобларини ҳуқув жараёнида кўрсатади, узоқ ўтмишлардан воқеаларни, ҳодисаларни, моддий ва маънавий дунёни намойиш қилиш имконини беради.

Экспроекторлар, диапроекторлар, фильмос — коплар ва кодоскопларнинг самарадорлигини уч омил белгилайди:

1. Дидактик воситаларнинг тузилиш хусусиятларини 4 блок аниқлайди: электр таъминоти, ёритиш тизими, механикаси ва бошқариш блоки.

2. Аксарият диапозитивларда ва диафильмларда ёзувлар оқ фонда қора ҳарфлар билан ёки қора фонда оқ ёзувлар билан ифодаланади. Бундай ёзув ҳуқувчиларни тез толиқтиради. Шунинг учун, қуйидаги ранглар комбинацияси тавсия қилинади: сариқ фонда қора ёзув, оқ фонда яшил ёзув, оқ фонда кўк ёзув, кўк фонда оқ ёзув, қора фонда сариқ ёзув, қизил фонда оқ ёзув, сариқ фонда қизил ёзув, қизил фонда яшил ёзув, яшил фонда қизил ёзув.

Ҳарфлар ўлчамига катта эътибор бериш керак. Ҳарфнинг баландлиги $N_{\text{к}} 0,05\lambda$ см, L — экрандан синфнинг сўнги столигача бўлган

масофа,м. Ҳарф балеңдигининг унинг энига нисбати 5:3, ҳарф йўғонлигининг унинг бўйига нисбати 1:7 бўлиши тавсия этилади.

Ўқув фильми билан ишлаш

Ўқув киносининг имкониятлари жуда катта. У ўқувчиларга катта рухий таъсир курсатади. Ўқув фильмининг дидактик ҳолати кўрсатилаётган тасвирнинг динамиклигидадир. Кинофильм кўрсатилаётган объект ва ҳодисанинг ўзгаришини, ривожини, ҳаракатини беради. Бу ҳодисаларни кино бутунлигича ёки айрим жойларини, муҳим хислатларини кўрсатиш имконини беради.

Ўқув ва илмий оммабоп фильмлар қуйидаги функцияларни бажара олади:

1. Ўқувчилар диққатини жалб қилади, ўргатилаётган ўқув материалга қизиқишни кучайтиради.

2. Янги билимлар манбаи бўла олади, мустақил билим беради, ўқитувчи берган материални тўлдиради.

3. Муаммоли ўқитишда муаммоли масала ёки муаммоли вазият таклиф қила олади.

4. Ўргатилаётган назарий билимларни мустаҳкамлаш ва касбий малакаларни шакллантириш воситаси бўла олади.

5. Мавзу сўнггида ўқув материални тизимловчи восита бўла олади.

Ўқув фильми билан дарс ўтиш тартибини кўрамыз. Умумий услубий кўрсатмалар қуйидагилардан иборат:

1. Фильм намойишининг кўрсатилиш вақтидан қатъи назар ўқитувчи ва ўқитиш устаси

педагогик жараённинг марказий етакчи шахси сифатида ўзини тутиши керак.

2. Намойиш қилинаётган киноматериал ўқувчиларда материалистик дунёқарашни шакллантириши, уларда маънавий, руҳий ва бошқа ёш авлодни тарбиялашга қўйилган вазифаларга мос туйғуларни ривожлантириши керак.

3. Дарсда фойдаланилаётган киноматериалнинг мазмуни давлат таълим стандартларига мос равишда малакали мутахассислар тайёрлаш талабларига тўла жавоб бериши керак.

4. Киноқўлланмадан фойдаланиш у бошқа барча дидактик материаллардан юқори бўлгандагина ўринлидир.

5. Киноқўлланма барча дидактик талабларга тўла жавоб бериши керак.

6. Педагог ва ўқув устаси киноматериал билан аввалдан танишиши ва дарсни шу киноматериал мазмунига мослаши, эътиборни ўқувчиларнинг фаоллигини кўтаришга қаратишлари керак.

7. Киноматериал кўрсатиш вақти бир дарс материали бўйича 4 минутдан, ўқув материалининг бўлими бўйича 8 минутдан ошмаслиги керак. Фан бўлимини бошлашдан аввал 15 минутлик илмий фильм кўрсатиш мумкин.

Ўқув телевидениеси

Ўқув телевидениеси ўз устига ахборотлаш функциясини олади, ўқув материални эшиттириш ва кўрсатиш билан моделлаштиради, қўшимча маълумот бериш манбаи бўлиб хизмат қилади, ўқув материалининг самарадорлигини кўтариш вазифасини бажаради.

Телевидение ўқитувчининг ўрнини эгаллайди, деган фикрнинг нотўғрилигини турмуш кўрсатди. Ўқув телевидениеси таълимни турмуш билан боғлайди, ўқувчиларнинг дунёқарашини кенгайтиради, илмий техника тараққиётининг ўқитиш жараёнига киришини тезлаштиради, уларнинг кашфиётларини саноатда, қишлоқ хўжалигида қўллашни тарғибот қилади.

Телекўрсатувларни қуйидаги шаклда гуруҳлаш мумкин:

1. Ўқувчилар учун телекўрсатувлар.
2. Ўқитувчилар учун телекўрсатувлар.

Ўқувчилар учун телекўрсатувлар қуйидаги кўринишларда бўлиши мумкин:

1. Теледарс.
2. Ўқув фильми.
3. Дарсга қўшимча маълумотлар.
4. Теклеэкскурсия.
5. Илмий — оммабоп телекўрсатувлар.
6. Ўқитиш давомида кўрсатиладиган теле — фильмлар.

Теледарс кўпи билан 35 минут давом этувчи бутун дарсдир. Уни тажрибали ўқитувчи ўтказди, тушунтириш беради, тажрибалар намойиш қилади, саволлар беради ва уйга вазифа беради, қолган вақт давомида ўқувчиларнинг саволларига жавоб беради. Теледарс қийин мавзуларни ўтиш учун қулай. Масалан, газ қонунлари, броун ҳаракати, газларни суюлтириш, гидравлика қонунлари, ичдан ёнар двигателлар, атомнинг тузилиши ва б. Теледарс ўтиш усули турли бўлиб, ҳар бир ўқитувчи ўз усулини ишлаб чиқади. Агар маъруза кўргазмали материалга бой бўлса, теледарс вақтида ўқувчиларни ёзишга, чизишга жалб қилиш ноўриндир, ўқувчилар муҳим жойларни кўрмай

қолиши мумкин. Барча ёзувларни телекўрсатувгача туга' лаш керак.

Теледарс ўқитувчи дарсининг ўрнини босмайди. У фақат мавзуни тушунишга ёрдам беради. Йил давомида ўтказиладиган теледарслар умумий дарс режасининг 15% дан ошмаслиги керак.

Телекўшимча хусусий масалани ёритади, унинг дидактик вазифаси ўрганилаётган ходисани тиклашдир. Бу мақсадда телемагнитофон ишлатиш тавсия қилинади.

Турли буюмларни, транзисторларни, машина қисмларини ўрганишда телеэкскурсиялар жуда муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчиларнинг физика, кимё, биология қонунлари билан танишишларида, назария билан амалиётни боғлашда, дарс вақтини тежашда теледарс жуда катта аҳамиятга эга.

Илмий телекўрсатувлар ўқувчиларнинг онгини кенгайтиради, умумий маданиятини кўтаради. Қўшимча телекўрсатувлар ўқув материални такрорлашда, турли машқларни бажаришда аҳамиятли бўлиб, дарсдан ташқари вақтда бажарилади.

Эпизодик телекўрсатувларнинг ўқув дастурининг мураккаб мавзуларини тушунишда аҳамияти катта бўлиб, дарсдан ташқари вақтда 30 минут давомида ўтиши мумкин.

Ўқув жараёнида аудитив тизимдан фойдаланиш

Умутаълим мактабларида мусиқа, бадиий ўқиш масканларида, тил ва адабиёт институтларида аудитив тизимдан фойдаланиш ёшларни ўқитиш ва тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Товушли ёзувлар янги билимлар, ҳужжатли ёзувлар, фан ва давлат

арбобларининг, маданият ходимларининг нутқлари бўлиши мумкин. Ўқувчилар улардан жамият ҳаёти ҳақида, тарихий воқеалар ҳақида маълумотлар олиши мумкин. Товушларни машқ қилиши, турли товушларни ўрганиш, машина қисмларининг товушларини, товушига қараб уларнинг нуқсонларини аниқлаш, машина механизмлари товушларининг ўзгаришини ўрганадилар.

Товушли қўлланмалар ўқув жараёнининг турли босқичларида ишлатилиши мумкин. Янги дарс ўтишда, мавзунини пухталашда, машқлар бажаришда, билимларни назорат қилишда, мустақил дарс ўрганишда улар жуда фойдалидир. Янги дарс ўтишда товушли қўлланмалар ўқитувчи нутқига қушилиб кетади ва ўқувчиларга керакли вақтда тақдим қилинади. Улар ўқитувчи берган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжат вазифасини бажаради. Бу мақсадда магнитофондан фойдаланиш муҳим бўлиб, уни исталган вақтда ишлатиш мумкин. Бунинг учун албатта, фонотекага эга бўлиш керак.

18-маъруза.

Тренажёрлар ишлатишнинг махсуслиги

Юқори малакали ишчилар тайёрлашнинг замонавий хусусияти ўрганилаётган операцияларни, ҳаракатларни кўп марта такрорлашни талаб қилади. Бу ҳаракатларнинг бажарилиши ўқитувчи, ишлаб чиқариш устаси назорати остида бўлишини тақозо қилади. Замонавий ишлаш ускуналари мураккаб ва қимматбаҳо бўлиб, уларда ишчи бехато фаолият қилиши керак. Технологик жараённинг ҳар қандай

бузилиши ускуна учун ҳам, ишчининг ҳаёти учун ҳам жиддий хавф туғдириши мумкин.

Бу ҳолатларнинг олдини олиш учун ишлаб чиқариш жараёнини акс эттирувчи турли тренажерлар қўллашга тўғри келади. Тренажерлар касб — ҳунар коллежларида кенг қўлланади. Тренажерларни лойиҳалаш ва тайёрлаш педагогик жиҳатдан самарали қурилмалар тузиш имконини беради. Тренажерларга қуйидаги талаблар қўйилади:

1. Улар асосий дидактик талабларга тўла жавоб бериши.

2. Тренажерлардан фойдаланиш қоидалари таълим жараёнида асосланиши керак.

3. Тренажерларнинг тузилишига инженер — техник, рухий ва гигиеник талаблар ишлаб чиқиш керак.

4. Намунавий тренажер тайёрлаш, уни синаш ва синов вақтида унинг нуқсонларини аниқлаш.

Махсус белгилари бўйича тренажерлар қуйидаги тартибда тоифаланани.

1. Малака ва кўникма ҳосил қилувчилар.

2. Таълим босқичларини бошқарувчилар.

3. Таълим мақсадларини белгиловчилар.

4. Инсон — тренажер тизимида бўлувчи жараёнларни аниқловчилар.

5. Реал объектга ўхшаш тренажерлар.

Тренажерларга рухий талаблар:

1. Тренажерларнинг масалалар ечими алгоритминини таъминлаш имконияти.

2. Акс боғланиш имкониятларининг мавжудлиги.

3. Муаммоли ҳолат ҳосил қилиш имкониятлари.

4. Зарарли кўникмаларни йўқота олиш имкониятларининг мавжудлиги.

5. Ҳолатларни етарли миқдорда такрорлаш имкониятининг мавжудлиги.

Тренажерлар ўқувчиларда техник фикрлаш кўникмаларини шакллантириши, рационали — заторлик малакаларини ҳосил қилиши, назарий билимларни мустаҳкамлаши, амалий кўникма ва малакаларни шакллантириши, таълимнинг самарадорлигини таъминлаши, касбий маҳоратларни ривожлантириши, таълим жараёнида турли услубий қоидалардан фойдаланишни таъминлаши, ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиши, ўқув жараёнини ҳақиқий меҳнат жараёнига яқинлаштириши, ўқувчиларда фаолликни ривожлантириши, онглиликни кучайтириши, амалиёт кўникмаларини ижодий эгаллашга йўналтириши, ўқувчиларда мустақил меҳнат қилиш қобилиятини яратиши, ўзини назорат қилиш малакасини ҳосил қилдириши, тизимли машқларни такрорлаш сони уларнинг меҳнат фаолияти самарадорлигини таъминлаши операцияларни бажаришга фақат аввалги операцияларни тўғри бажаргач ўта олишини таъминлаши, ўзлаштирган назарий билимларни ва амалий кўникмаларни босқичма — босқич фаол қўлланишини таъминлаши, таълим олиш тезлигини ошириши, уни ўрганиш муддатини камайтириши, ўқувчиларни берилган саноат ускунасида ишлашга қизиқтириши, ўқувчиларни меҳнат фаолиятни илмий ташкил қилишга ўргатиши зарур.

Мураккаблиги бўйича тренажерлар қуйидаги тоифаларга бўлинадилар:

1. Содда тренажерлар: механик, электромеханик, содда электр элементларидан

қурилган тренажерлар, электрон тренажерлар, электрон — механик тренажерлар.

2. Мураккаб тренажерлар ва тренажер комплекслар: мураккаб схемали аудио — видео қурилмалар, электрон ҳисоблаш машиналарига асосланган тренажерлар.

Тренажерларга қўйиладиган инженерлик талаблари қуйидагилардан иборат:

1. Хавфсизлик,
2. Ишончлилик,
3. Эксплуатациявий қулайлик,
4. Ҳафтидаги қулайлик,
5. Турли мураккаб шароитларда осон сошлаш имкониятининг мавжудлиги,
6. Тежамлилик,
7. Эстетик талабларга жавоб бериши,
8. Арзонлилик,
9. Тузилишининг соддалиги,
10. Элементларни кўп марта такрорлаш имконияти.

Таълим жараёнида тренажерлар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

1. Ишчи параметрларнинг ҳолатини назорат қилиши ва меъерий ҳолатни тез тиклай олиши,
2. Меъёрдан четлашишни четлашиш даражасини қайд қилган ҳолда бажариши,
3. Четлашиш сабаби тузатилгач, тезда меъерий ҳолатга қайта олиши,
4. Машқнинг барча босқичларида ўқувчининг тўғри хато ҳаракатларини назорат қилиш ва қайд қилиш имкониятининг мавжудлиги,
5. Техник носозликларни тугатиш вақтини қайд қилиш имкониятининг мавжудлиги,

6. Ўқувчининг ногўри ҳаракатларини кўрсатиш имкониятининг мавжудлиги.

Тренажерларни қўллаш усуллари

Ёпиқ акс боғланишли содда тренажерлар юқори малакали ишчиларни индивидуал тайёрлаш учун ишлатилади. Улар турли хил бўлиб, ҳар хил кўринишларга эгадир. Уларда хизмат вақтида содир бўлувчи кучларни қайд қилувчи тензометрик мосламалар, назорат қилиш учун тензометрик кучайтиргичлар, мослаштирувчи блоklar, ёруғликни, товушни, турли ўзгаришларни кўрсатувчи индикаторлар мавжуд. Мураккаб тренажерларда ўқувчиларнинг бошқарув пультага параллел қилиб уларнинг ҳаракатларини ёзиб борувчи қурилмалар уланади. Бундай тренажерларни турли касбларни эгаллаётган ўқувчилар кенг миқёсда ишлатиши мумкин. Улар нисбатан кичик, эксплуатацияда ишончли, арзон ва узоқ муддат бузилмай ишлаш имкониятига эга. Уларнинг муҳим афзаллиги ўқувчиларга ахборотни ўз вақтида тез беришидир.

Энди «билиш» ва «малака» тушунчаларининг маъносини аниқлаб олайлик. Малака — машқ лавомида шаклланувчи ҳаракатдир. Билиш — инсоннинг бирор фаолиятни ўзининг шахсий билимлари асосида шакллантирган қобилияти, деб қараш мумкин

Адабиётлар

1. И.А.Каримов, Таълим тўғрисидаги қонун, -- Т., 1997.
2. П.И.Пидкасистый. Педагогика. -- М., 2002.
3. З.А. Барышникова. Организация самостоятельно – познавательной деятельности студентов – заочников , -- М., 2000.
4. В.И.Андреев. Педагогика творчества саморазвития, М., 1996.
5. Н.М.Шахмаев. Дидактические проблемы применения технических средств обучения в средней школе. -- М., 1973.
6. В.С.Уманский. Применение технических средств в учебном процессе средних профтехучилищ, -- М., 1979.

Мундарижа:

Кириш.....	3
1 – маъруза. Дидактика объекти ва предмети	6
Дидактиканинг вазифаси ва функцияси	7
2 – маъруза.. Асосий дидактик концепциялар	10
3 – маъруза. Замонавий дидактик концепция	14
Мактабни демократлаш ва инсонпарвар қилиш	15
4 – маъруза. Анъанавий ва замонавий концепцияларни таққослаш	17
5 – маъруза. Шахсга йўналган дарс.....	25
Ўқитиш тушунчаси ва моҳияти.....	27
Таълим жараёнининг бир бутун тизими характеристикаси	30
6 – маъруза. Таълим жараёнининг тизимлиги ва комплекслиги	31
Таълим жараёнининг цикликлги.....	32
7 – маъруза. Таълим воситалари	35
Таълим функциялари	39
8 – маъруза. Ўқитиш моҳияти.....	43
Ўқитувчининг вазифалари.....	45
Ўқувчилар билиш фаолиятининг шакллари.....	47
Таълимнинг тушунтириш шакли.....	48
9 – маъруза. Муаммоли ўқитиш	49
Дастурли таълим	53
10 – маъруза. Алгоритмлашган ва блокли таълим	55
Ўқувчилар мустақиллигини шакллантириш.....	57
Таълим қонуниятлари	58
11 – маъруза. Таълим жараёни қоидалари	61

12 – маъруза. Таълим мазмуни туш, ҳаси ва моҳияти.....	67
Мақтаб таълими мазмунини шакллантирувчи манбалар ва шартлар	70
13 – маъруза. Умумтаълим стандарти.....	73
Ўқув режаси.....	74
14 – маъруза. Ўқув дастури	78
Дарсликлар ва ўқув қўлланмалари	80
Таълим усулининг моҳияти	80
15 – маъруза. Амалий машғулотлар	85
Таълим воситалари	87
Муомала воситалари	90
16 – маъруза. Дидактика воситалари	93
Ўқув кабинетлари жиҳозлари	95
Таълимнинг техника воситалари	97
Таълим техника воситаларининг имкониятлари.....	100
Таълимнинг кўргазмали воситалари	101
Таълимнинг техника воситалари билан жиҳозланишининг замонавий ҳолати	104
17 – маъруза. Дидактик воситаларни тоифалаш	106
Тренажерлар	109
Ўқув фильми билан ишлаш	112
Ўқув телевидениеси	113
Ўқув жараёнида аудитив тизимдан фойдаланиш	115
18 – маъруза. Тренажерлар ишлатишнинг махсуслиги.....	116
Тренажерларни қўллаш усуллари.....	121...119
Адабиётлар	121

Ғафуров Ҳабиб Мансурович
ДИДАКТИК ВОСИТАЛАР
МАЖМУАСИ

Маърузалар матни
522300 «Телекоммуникациялар»
йўналиши бўйича таълим олувчи
бакалаврлар учун. «Касбий
педагогика» кафедраси
мажлисида (2005 йил 2 май,
35 – баённома) муҳокама
қилиниб, нашрга тавсия этилди.

Маъсул муҳаррир:
т.ф.д. проф. С.С.Қосимов
Муҳаррир: Қ.Парниева
Компьютерда терувчи:
Ғафуров Х.М.

Босишга рухсат этилди. 09.02.04
Бичими 60x84^{1/16} Адади 150
1 - буюртма. Босма табоғи 775

Тошкент ахборот технологиялари университети тасарруфидаги
«ALOQACH!» нашриёт-матбаа марказида чоп этилди.
Тошкент ш, Амир Темура кучаси, 108-уй

